

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -
МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

МАРКЕТИНГ

йўналиши

“МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2017

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТДИУ катта ўқитувчиси Зуфарова Н.

Тақризчилар: PhD. Д.Ф.Каримов, PhD. Д.М.Рахимов, Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети.

Ўқув-услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2017 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|--|
| I. ИШЧИ ДАСТУР..... | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 10 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР..... | 17 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 48 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ | 79 |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ | Ошибка! Закладка не определена. |
| VII. ГЛОССАРИЙ | 102 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 122 |

І. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорига асосан: “ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикада олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш”¹ олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифаларидан бири деб белгиланган.

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг устувор вазифаси малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларида тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат. Замонавий ўқитиш технологияларига илмий жиҳатдан методик ёндашувлар тингловчиларнинг касбий маҳорати, дунёқарашини жадал шакллантиради ҳамда замонавий билимларини тез ва мустаҳкам ўзлаштиришларига замин яратади.

Педагог ва раҳбар кадрларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киради. Айнан бундай муҳитнинг яратилиши тингловчининг малака ошириши бўйича талабларга мослигини тавсифловчи педагогик ҳамда дидактик тамойилларга нисбатан аниқ мезонларни амалга оширилишига хизмат қилади. Тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлиги таълим олувчининг юқори мотивацияси, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, мулоқотга нисбатан етарлича юқори қобилияти, ўз хатоларини тузатиб бориши, ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича интилиши, тингловчининг ташқи таълимий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, 20.04.2017 й.

ахборотларга нисбатан ички шахсий талабларининг мослигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Маркетинг тадқиқотлари” модулининг **мақсади** - педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларида маркетинг тадқиқотлари, унинг турлари, элементлари, маркетингни тадқиқотларини ташкил этиш, корхона маркетинг, маркетинг ахборот тизими, маркетинг тадқиқотларида бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

“Маркетинг тадқиқотлари” **модулининг вазифалари** тингловчиларда:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларда, ҳозирги тез ўзгариб боровчи, юқори ноаниқлик, юқори эҳтимоллик, юқори таваккалчилик шароитида оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш,

-маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усулларини,

-маркетинг ахборот тўплаш услубларини,

-маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш кабиларни ўргатишдан иборатдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникама ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

«Маркетинг тадқиқотлари» курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- маркетинг тадқиқотларининг назарий ва услубий асосларини;
- маркетинг ахбороти тизимини; ички ва ташқи муҳит ҳақида,
- истеъмол бозорида харидор атвори ҳақида,
- бозор имкониятлари,
- тадқиқотлари йўналишлари ва услубларини ҳақида,
- бозорга чиқишнинг шакл ва усулларини;
- бозор кенглиги ва талабни башорат қилишни;
- бозор конъюктураси тадқиқотларини, товар сиёсатини *билиши керак*;

Тингловчи:

- -маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш;
- маркетингнинг ривожланиш концепцияларини қўллаш олиш;
- маркетинг тадқиқотларини вазифалари, яъни бозорни комплекс ўрганиш, товар ассортиментини, товар ҳаракатини тадқиқ этиш;
- баҳо сиёсатини, реклама фаолиятини ўрганиш;

- бозор ҳажмини аниқлаш, бозорнинг ўзига хос томонлари ва унинг элементларини тадқиқ этиш;
- товар ва товар сиёсати, товарларга қўйиладиган талабларни тадқиқ этиш *қўникмаларига эга бўлиши* керак;

Тингловчи:

- маркетинг тадқиқотларини таснифлаш ва амалий фаолиятда фойдаланиш;
- товар, нарх, сотиш, реклама, коммуникация сиёсатини юргизиш;
- бозорни сегментлаш, баҳоларни шакллантириш;
- истеъмолчиларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш;
- маркетингни режалаштириш;
- товар ва хизматлар сотилишини кенгайтириш;
- товарлар ассортиментини режалаштириш, бозор сиғимини аниқлаш ва ҳисоблаш маркетинг тадқиқотларини самарадорлигини баҳолаш;
- бозор кенглиги ва талабни башорат қилиш *каби малакаларига эга бўлиши* керак.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Маркетинг тадқиқотлари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий ҳужум, кутиш йўлдоши, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, пинборд, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жавдал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги Ушбу ўқув фани “Маркетинг”, “Маркетингни бошқариш”, “Стратегик маркетинг”, “Бизнес маркетинги”, “Халқаро маркетинг” ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганилади. ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги вақтга келиб, Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамиятга эгадир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

| № | Мавзу | Жами | Маъруза | Амалий (Амалий машғулот) | Муста қил иш |
|----|--|-----------|-----------|--------------------------|--------------|
| 1. | Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуги | 6 | 2 | 2 | |
| 2. | Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари | 6 | 2 | 2 | |
| 3. | Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш | 4 | 2 | 4 | 4 |
| 4. | Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими | 4 | 2 | 2 | |
| 5. | Бозор кенглиги ва уни башорат қилиш | 4 | 2 | 4 | |
| | Жами | 28 | 10 | 14 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуги.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, курс тузилмаси. Маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва концепцияси. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари. Маркетинг таҳлили ва тадқиқотининг тасниви. Маркетинг таҳлил ва тадқиқотнинг стратегияси ва унинг амалга оширилиши. Маркетинг таҳлилининг бажарилиш тартиби- кетма-кетлиги. Маркетинг таҳлили. Ички-ташқи маркет алоқалари. Маҳсулотнинг ҳаёт цикли модели. Маҳсулотнинг ҳаёт циклининг талаб башоратига алоқаси. Маркетинг стратегиясининг ривожлантириш. Маркет улушини аниқлаш. Маркетинг дастурини дизайни. Савдо дастурини ривожлантириш. Бозор муҳитини ўрганиш. Харидор эҳтиёжларини ўрганиш.

2- мавзу: Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.

Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси. Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари. Талабни тадқиқ этиш. Эҳтиёжларнинг талабга айланиши. Якка талаб. Талабнинг баҳога боғлиқлиги. Талаб қонуни. Талаб эластиклиги. Зарарсизлик нуқтаси. Таклифни тадқиқ этиш. Таклиф қонуни. Нархнинг таклифга таъсири. Таклиф эластиклиги.

3- мавзу: Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш.

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш. Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси. Аниқ талаб. Талабнинг 7 элементи. Талаб таснифи. Талаб атамаси. Талаб аниқловчилари. Талаб ва таклиф алоқаси. Талаб ва таклиф тенглиги. Таклиф таҳлили. Бозор улуши. Ўсиш имкониятларини излаш. Харидор гуруҳи ёки аҳоли қатлами. Географик территория. Вақт оралиғи. Бозор муҳити. Харидо товарлари ва ишлаб чиқарувчи товарлари. Доимий ва доимий бўлмаган товарлар. Ўз- ўзини бошқарувчи талаб ва келтириб чиқарилган талаб. Шахсий талаб ва бозор талаби. Эффе́ктив талаб. Беркитилган талаб. Қондирилмаган талаб. Потенциал бозор. Макро муҳит. Физик муҳит. Ўзаро боғланган саноат ҳолати. Ички талаб.

4- мавзу: Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.

Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими (МАТ). Ташқи ва ички ахборот олиш манбалари. Ахборотларнинг даврийлиги. Интеллектуал тизим. Ижтимоий-иқтисодий ахборотлар. Шахсий интервью. Гуруҳли интервью. Рақобатчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш. Ахборотларни узатиш.

5- мавзу: Бозор кенглиги ва уни башорат қилиш.

Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор салоҳияти тушунчаси. Бозорни башорат қилиш услуги. Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор кенглигини ифодаловчи меъёрий белгилар. Башорат қилиш жараёни босқичлари. Башорат қилиш объекти. Башорат қилишнинг экстрополяция услуги. Башорат қилишнинг интерполяция услуги. Иқтисодий-математик услублар. Таркибий моделлаштириш. Бозор салоҳияти тушунчаси. Бозорни башорат қилиш услуги.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- амалий машғулот:

Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуги.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуги. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

2- амалий машғулот:

Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.

Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси.
 Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари.

3- амалий машғулот:

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш.

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш. Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси.

4- амалий машғулот:

Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.

Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш.

5- амалий машғулот: Бозор кенглиги ва уни башорат қилиш.

Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор салоҳияти тушунчаси . Бозорни башорат қилиш услуги.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги:

→ *ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шакллари*дан: бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ *ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

| № | Баҳолаш турлари | Энг юқори балл | Изоҳ |
|----------|------------------------|-----------------------|--|
| 1. | Кейс– стадини ечиши | 1,5 балл | Вазиятни тўғри таҳлил қилиш, муаммоларни сабабларини тўғри аниқлаш, муаммолар бўйича ўзининг хулосаларини бериши баҳоланади. |

| | | | |
|----|-----------------------|----------|---|
| 2. | Мустақил иш топшириғи | 1 балл | Танланган мустақил иш мавзусининг ёритилиш даражаси, керакли ахборотларнинг тўғри танлангани, мавзу бўйича шахсий хулосаларнинг ёритилиши баҳоланади. |
| | Жами | 2,5 балл | |

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Т- схемаси

Методнинг мақсади: Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

Амалга ошириш тартиби:



Намуна: Маркетинг тадқиқотларида корхонанинг маркетинг ташқи муҳити омиллари

Т- схемаси

| <i>Афзалликлар</i> | <i>Камчилиликлар</i> |
|--|--|
| Фан-техника ютуқлари: янги материал ва технологияларнинг пайдо бўлиши; фан-техника тарақишлоқиётининг ўсиш суръати; фан ва таълимга киритилувчи инвестицияларнинг ўсиши. | Янги технологияларнинг етишмовчилиги ва молиявий жиҳатдан қимматлиги; янги товарлар ишлаб чиқариш учун илмий кашфиётлар камлиги; Инвестицияни жалб қила олмаслиги. |
| Табий омилар :моддий ресурслар кўплиги, географик иқлими яхшилиги;ер ресурсларидан фойдаланиш. | Турли иқлим хусусиятлари; айрим ресурсларнинг етишмаслиги; денгиз портлари, тарнспорт тармоқлари ва энергия манбаларидан узоқлик. |
| Иқтисодий омилар: иқтисодиётнинг ўсиш суръати; аҳолининг турмуш тарзи, хомашё етарлилиги; жамғармалар, кичик бизнесни ривожланиши. | Инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, кредитларнинг очиклиги, аҳолининг харид лаёқоти, иқтисодий цикллар. |
| Маданий омилар: хулқ-атвор | Таълим соҳасидаги сустлик, |

| | |
|--|---|
| меъёрлари; таълим ва маданият даражаси, диний омиллар, санъатнинг ривожланиши; китобларга бўлган эътибор кучайганлиги. | овқатланиш ва кийиниш этикаси; бир-бирига ҳурмат; қизиқтириш ва рағбатлантириш камлиги. |
|--|---|

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Таъминотчилар ва рақоботчилар бўйича Венна Диаграммаси



«Синквейн» техникаси

Методнинг мақсади: Маркетинг тадқиқотлари усуллари кўламига тавсиф берилади.

Амалга ошириш тартиби:

- 1-қатор – тушунча
- 2-қатор – ушбу тушунчага 2 та сифат келтиринг
- 3-қатор – ушбу тушунчага 3 та кесим келтиринг
- 4-қатор – ушбу тушунчага 4та сўздан иборат ибора келтиринг
- 5 -қатор – ушбу тушунчанинг синонимини келтиринг.

Намуна:

1. Маркетинг тадқиқотлари
2. Бирламчи, иккиламчи ахборотлар тўпланади
3. Тўпланади, ташкиллаштиради, таҳлилланади.
4. Ахборотлар корхоналар учун тўпланади.
5. Маълумотлар.

“Кейс-стади” методи

«**Кейс-стади**» - англизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

Кейс: Минтақанинг янги кўриқлаш ва ёнғиндан сақлаш электрон сигнализация тизими бозорида сотувнинг 30 фоизини таъминловчи фирма яқин икки йилга бозордаги талаб ва тўйинганлик даражасининг башорат қийматларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказди. Тадқиқот натижалари жадвалда келтирилган. Бозорнинг тўйинганлиги амалда ўрнатилган тизимларнинг янги маҳсулотдан потенциал фойдаланувчилар умумий сонига нисбати (%да) сифатида акс эттирилган (мос келувчи йил учун).

| Кўрсаткичлар | 2010й. | 2011й. | 2012й. | 2013й. | 2014й. |
|-----------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| Ўрнатилган тизимлар сони, дона. | 67 | 269 | 1806 | 4600 | 11655 |
| Бозорнинг тўйинганлик даражаси, % | 0,08 | 0,33 | 2,08 | 5,61 | 14,39 |

Кейсни бажариш учун топшириқлар:

- а) мазкур турдаги товарларга бўлган талаб динамикаси характери қандай?
- б) яқин икки йилда талабнинг ўсиши барқарор бўлишидан умид қилса бўладими?
- в) фирма бозорнинг мос келувчи секторида сотув ҳажмини 40% оширишни режалаштираётган бўлса, бир йилдан сўнг фирма ишлаб чиқарувчи янги маҳсулот ҳажми қандай бўлиши лозим?
- г) фирмада қандай маркетинг стратегиясини жорий қилиш лозим?

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

| | |
|---|---|
| Ф | • фикрингизни баён этинг |
| С | • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг |
| М | • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг |
| У | • фикрингизни умумлаштиринг |

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда бирламчи ахборот ресурсларидан фойдаланиш кўпроқ самара беради”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуги.

Режа:

1.1. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари.

1.2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуги.

1.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

Таянч иборалар: *Маркетинг таҳлили ва тадқиқотининг тасниви. Маркетинг таҳлил ва тадқиқотнинг стратегияси ва унинг амалга оширилиши. Маркетинг таҳлилининг бажарилиши тартиби- кетма-кетлиги. Маркетинг таҳлили. Ички- ташиқи маркет алоқалари. Маҳсулотнинг ҳаёт цикли модели. Маҳсулотнинг ҳаёт циклининг талаб башоратига алоқаси. Маркетинг стратегиясининг ривожлантириши. Маркет улушини аниқлаш. Маркетинг дастурини дизайни. Савдо дастурини ривожлантириши. Бозор муҳитини ўрганиш. Харидор эҳтиёжларини ўрганиш.*

1.1. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари.



Инвестиция лойиҳасининг асосий талаби- мижоз ва харидорларни (товар ва маҳсулотларга) ишлаб чиқариш билан таъминлашдир. Бозор таҳлилининг мақсади- маҳсулот табиати (ишлаб чиқарилиши) ва ким уни сотиб олиш хоҳши ва имкониятини ўрганиш. Бу жараён маҳсулот характеристикаси ва аҳолининг уни олиш хоҳши ва эҳтиёжи ўртасидаги алоқаларни

камраб олади. Қандай маҳсулот турлари, аҳолининг қайси қатлами, улар қаерда ишлаб чиқарилган, қанча миқдорда бор ва келгусида қанча бўлади, уларнинг сотиб олиниш хоҳши ва имконияти қандай ва қайси нархда- буларнинг ҳаммаси бозор таҳлилинини камраб олади.²

Маркетинг: Маҳсулот ва унинг бўлажак харидори аниқлаб олингач, унинг бозорда ўзлаштирилиш масаласи манзилланади. Бу лойиҳа – мижозга маҳсулот ҳақида маълумот бериш, ундан фойдаланишга мижозни қандай ишонтириш, маҳсулот қандай қадоқланади, тақсимотнинг энг самарали усуллари қайсилар- буларнинг ҳаммаси маркетинг стратегиясини қисмларини ўз ичига олиб, инвестиция лойиҳасининг асосий бўлагидир.

² IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

Маркетинг товарларни ишлаб чиқариш ва харидорларга керакли вақт, миқдор ва сифатда, шунингдек юқори самара ҳамда фойда эвазига сотишни ташкил етиш ва бошқариш мақсадида вужудга келди ва хизмат қилмоқда.³ Иқтисодчи олимларнинг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, маркетинг хизматлари учун сарфланадиган ҳар бир доллар ўз эгасига 10 доллар соф фойда келтирар экан. Маркетинг ингилизча «маркет» - бозор сўзидан олинган бўлиб. ўзининг шаклланиши ва ривожланишида узоқ ва мураккаб даврни босиб ўтди. Маркетинг элементлари ҳозирги республикамиз ҳудудида қадим-қадимлардан ма'лум бўлиб, у айниқса эраמידан олдинги II асрдан эрамининг XVI асригача Буюк Ипак йўли номи билан машҳур Карвон йўли ўтган мамлакатларда кенг қўлланилган. Бунда Карвонсаройлар катта хизмат кўрсатганлар. Уларда ҳар хил мамлакатлардан келган сиесатчи, иш одамлари, тадбиркор, савдогар, судхўр, воситачилар учрашар ва ҳар хил иқтисодий масалаларни, ишлаб чиқариладиган товарларнинг ассортименти, сифат кўрсаткичлари, ўлчов бирлиги, уларга бўлган талаб ва таклиф, баҳолар, солиқлар, хизматлар ва ҳ. к. лар ҳақида ахборотлар йиғилар, таҳлил қилинар, ўртоқлашар, келишишар, шартномалар тузилар ва амалга оширилар еди.


1.2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуби.

Ишлаб чиқаришни кенг ма'нода ўрганадиган фанлар хилма-хил бўлиб, уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин; бири ишлаб чиқаришнинг- техникавий томонини, иккинчиси эса ижтимоий-иқтисодий томонларини ўрганадиган фанлардир. Ишлаб чиқаришнинг техникавий томонини ўрганувчи фанларга: материалшунослик, материаллар қаршилиги, металлшунослик каби фанлар киради, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий томонларини асосан иқтисодий назария фани ўрганади. Бу фан кишиларнинг ишлаб чиқариш жараенидаги ижтимоий муносабатларини, кишилик жамияти тараққиятининг турли босқичларида моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айирбошлаш қонунларини ўрганади.

Иқтисодий қонунларни халқ хўжалигининг айрим тармоқларида аниқ намоен бўлишини ва амал қилишини тармоқ иқтисодий фанлари ўрганади. Маркетинг тадқиқотлари фани ҳам шу фанлар жумласидандир, Бу фан умуман иқтисодиеда ва хусусан иқтисодиетнинг айрим тармоқлари, соф маркетинг фирмалари ва корхона (фирма)ларининг маркетинг булими ва гуруҳлари томонидан, маркетинг соҳасида иқтисодий қонунларнинг ўзига хос тарзда намоен бўлиши ва ҳаракат қилишини ўрганади, ҳамда улардан маркетингни бошқаришда онгли равишда фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқади. Маркетингни тадқиқ қилиш раҳбарлик, ташкилотчилик ва ма'мурий характерга эга бўлган фаолиятда фойдаланилади. У ўз ичига жамият, тармоқлар, корхоналар ва умуман

³ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

мамлакатлараро маркетинг фаолиятини тадқиқ қилиш муаммоларини олади.⁴



Маркет таҳлилининг бажарилиш тартиби-кетма-кетлиги.

Бу жараён – проектни маҳсулотини hozир мавжудлиги ёки келгуси бозорни таҳлилининг ўз ичига олади ва кейинчалик маркетинг стратегиясини ривожлантириш ва маркетинг дастурининг стратегия даражасига етказишни таъминлайди.⁵

Мақсадни аниқлаш ва маркет таҳлили чегаралари: Таҳлилининг мақсади ва маркетинг

дастурининг ривожлантириш савдо дастурининг башорат қилиш ва уни амалга ошириш воситалари. Ўрганишнинг асосий хусусияти- харидор эҳтиёжларини тушуниш ва ушбу эҳтиёжларни қондириш йўллари ва воситаларининг ишлаб чиқиш. Бу тадбиркор учун “талаб башорати” га етиб келиш учун етарли эмас.

Чегараларни белгилаш учун – маркет таҳлилидан нималар ўрганилади. Мақсадларни – асосий, маъқул ва номухим категорияларга ажратиб олингани фойдадан холи эмас. Бундай қарор вақтни ва кучни тежаш имконининг беради.

Маълумот талабларининг аниқлаш: Маълумотлар тўғридан-тўғри бозор таҳлилининг мақсад ва чегараларидан келиб чиққан бўлиши керак, дастлабки баҳода масалалар муҳимлиги кўриб чиқиши имконияти бўлса ҳам, асосий эътибор шундай имкониятларга қаратилиши лозим.

Йиғилган маълумот: маълумот нашр этилган, яъни иккиламчи ҳам бўлиши мумкин. Экспертлар билан маслаҳат ёки тадқиқий ўрганиш бу иккиламчи маълумотларни йиғишнинг бошқа туридир. Дастлабки маълумот- бу бор ёки келгуси мижозлардан, рақобатчилардан, савдо каналлари орқали тадқиқот, маркетинг тести (янги ёки янгиланган маҳсулотлар учун) тўғридан- тўғри йиғилган биринчи қўл маълумотидир.

Маълумот йиғиш жараёни ва таҳлили: Маълумот йиғиб бўлингач, у сараланади, жадваллаштирилади ва кейин кетма-кетлик ва аниқлик учун қайта кўриб чиқилади. Шубхали маълумот ишлатилмайди, лекин келгуси тадқиқотларга таъсир кўрсатмайди.

Башорат моделини ривожлантириш\ саралаш: Талабни башорати учун миқдор ёки сифат усули талаб қилинади. Танқидий усул учун экспертларнинг билими ва баҳоси керак бўлади. Миқдор усули асосан статистик асбоблар асосида бўлади. Технологик усул таҳлил ва технологик инновациялар асосида бажарилади.

⁴ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

⁵ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

Модел ишлаб чиқилганда унинг тўғрилигини баҳолаш учун тарихий маълумотларга мурожаат қилиш ёки аналог манбаларга ёки экспертларнинг фикрларини текширилади. Модел фақат тўғри маълумотларни ўз ичига олади. Статистик таҳлиллар, дастурли ёки дастурсиз, катта талабда бўлган маълумотларни танлашда ёрдам беради.⁶

Талаб башорати: Мос келувчи башорат усуллари танлаб олинади ва танланган усул орқали талаб башоратланади. Бу сифат тадқиқотларидан миқдор усуллари ёки манбалар қўринишида бўлиши мумкин.

Маркетинг стратегиясини ривожлантириш: Мижоз эҳтиёжлари, рақобатчилар ва бозор мухитига тегишли бўлган маълумотлар таҳлили маҳсулот хусусиятлари, кадоқлаш, брэнднинг, маҳсулот аралашмаси, нарх сиёсатлари, таъминот каналлари ва бошқаларни қопловчи бозорга тегишли қарорлар – мижозларни таъминлаш ва маҳсулотни етказиб беришда ишлатиладиган маркетинг стратегиясига олиб келади.

Бозор улушини аниқлаш: Бозор улуши талаб башорати ва маркетинг стратегиясини қабул қилиш асосларида баҳоланади. Истеъмолда бўлган маҳсулотлар учун, рақобатчиларнинг кучи ва зийраклигига боғлиқлиги билан бозор улуши баҳоланади. У бозор улушини қуриш бу эҳтиёткорликдир. Патент орқали ҳимоя қилинадиган ёки бошқа мулкчилик ҳуқуқларига эга бўлган маҳсулотлардан фарқли ўлароқ янги маҳсулотлар учун бошқа инвесторлардан саволлар бўлади.

Маркетинг дастурини дизайн: Маркетинг ташкилоти маркетинг стратегиясини амалга оширилиши учун яратилади. Таъминотнинг сараланган каналларининг воситалари ва рағбатлатирувчи медиага кириш йўллари аниқланган. Маркетинг нархлари кейин аниқланган.

Савдо дастурини ривожлантириш: Савдо башорати талаб башоратидан келиб чиқади. Савдо дастури яратувчанлик сиёсати ва бозор таҳлили қарорлари билан боғланган.

Маҳсулот дастурини аниқлаш: Маҳсулот аралашмаси, жадвали ва маҳсулот миқдори савдо дастури орқали тасдиқланади.

Завод сифимини аниқлаш: Завод сифими маркетинг дастури ва техник факторлар билан боғлиқ.



Бозор таҳлили.

Бозор таҳлили муҳим ахборотларни ўрганиш ва уларни башоратлаш, ёки режалаштирилган маҳсулотнинг бўлажак талаби ва савдосини баҳолашни ўз ичига олади.

Бозор мухитни ўрганиш: Бозор мухити ҳақидаги маълумот проект фаолияти тушунарли бўлиши учун аниқланган, тўпланган, ва таҳлил қилинган

⁶ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

бўлиши шарт. Бу фаолият турлари бўлғуси харидорларни, таъминотчиларни, рақобатчиларни, ҳукумат ва хусусий ташкилотларни қамраб олади. Саноат проекти рақобот муҳитида бошқарилганлиги учун рақобатнинг табиати ва кўплиги, унинг асоси, раобатчининг кули ва кучсиз томонлари, янгиликнинг пайдо бўлишига нисбатан бўлиши мумкин бўлган муносабатлар ўрганиб чиқилиши лозим. Ижтимоий ўзгаришлар (асосан қиймат тизимида) бозор истиқболи учун бундай ўзгаришлар таъсир кўрсатганлиги туфайли кенгрок ўрганилиши керак.

Рақобатчиларнинг кули ва кучсиз томонлари, ва уларнинг санок стратегиялари, проектнинг ташқи муҳитининг бошқа аспектига тегишли бўлган маълумотлар проект дизайни ва маркетинг стратегияси қабул қилинишида пайдо бўлади.

1.3.Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

Маркетинг тадқиқотлари фани маркетингни ўрганувчи фанлар ичида етакчисидир. Бу фан маркетингни тадқиқ қилиш иқтисодий асосларини, унинг ривожланиш йўналишлари, қонуниятларини, шакл ва усулларини ўрганади. Шунинг учун ҳам бу фанни ўрганиш маркетингни моҳиятини, унинг назарий асосларини ўзлаш-тиришдан бошланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай фанни ўрганишни бошламоқчи бўлган ўқувчи еки талаба, аввало шу фанни текширмоқчи ва ўрганмоқчи бўлган соҳанинг ўзи билан танишмоғи лозим. Бас, шундай экан, маркетингни умумиқтисодиет ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги, умуман кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдаги ва шу жумладан бозор иқтисодиетиға ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва уни ривожланишидаги ролини англамоқ бу фанни ўрганишда ижобий аҳамият касб етади. Бу бўлимни ўзлаштиришнинг аҳамияти яна шу билан таъкидланадики, у ўқувчиға маркетингни тадқиқ қилиш тамойиллари, усул ва хусусиятлари ҳақида тушунча беради. Курсда маркетингни тадқиқ қилиш амалиетини ташкил етишға бағишланган қисми алоҳида ўрин тутади. Бунда маркетинг органлари олдиларига қўйиладиган талаблар, уларни таркибий тузилишини белгиловчи омиллар, шунингдек маркетингни корхонада. вазирликда қандай йўлга қўйилганлиги, уларнинг бажарадиган функтсиялари, вазифалари акс еттирилган.

Маркетингни тадқиқ қилиш ахборотларға асосланади. Шунинг учун фанда ахборотлар тизими, турлари, аҳамияти, уларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш масалаларига катта еътибор берилган. Бунда маркетинг инфраструктураси, моддий техника базаси ҳақида ҳам фикр билдирилган.

Маркетинг тадқиқотлари фани нисбатан янги ва еш фан бўлиб, унинг олдида ҳал қилиниши лозим бўлган жуда кўп вазифалар турибди. Бу фан ҳали маркетинг органларининг ишида юз бераётган параллеллилик, такрорланувчанлик ва маҳаллийчилик каби иллатларнинг сабаларини чуқур тадқиқ етгани ва аниқлагани йўқ ва уларни йўқотиш юзасидан етарли даражада асосли ва самарали тадбирлар

белгиланганича йўқ. Маркетинг тизимидаги кўп бўғинлилик, ҳар бир ташкилотларда ўз маркетинг органларининг пайдо бўлиш еки уларни умуман ташкил қилинмаётганлик сабаблари ҳам асосланмаган, таҳлил қилинмаган ва ўрганилмаган. Ханузгача халқ хўжалиги мамлакат миқосида маркетингни бошқариб, мувофиқлаштирувчи орган тузилганича йўқ. Айрим вазирликларда ҳам маркетинг бошқармалари тузилмаган. Ташкил етилган маркетинг бўлимлари, гуруҳларнинг таркибий тузилиши ба'зан бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмаларда, аксарият ҳолларда бир хил эмас. Уларнинг таркибида ба'зан кераксиз ва ортиқча бўлимчалар, гуруҳчалар ташкил етилган. Уларнинг низомлари, вазифалари айрим ҳолларда ҳамон ишлаб чиқилмаган.

Маркетинг тадқиқотларини режалаштириш ишлари ҳам хануз йўлга қўйилмаган еки кўл меҳнати билан бажарилмоқда. Бунда ба'зан ҳисоб-китобларни илмий асосланганлиги сезилмайди.

Дарҳақиқат, норма ва нормативларнинг аксарият қисми ҳавоий, ҳаводан олиб, статистика усулида белгиланганлиги аниқ. Масалан: товарларга бўлган еҳтиежни (Р) аниқлаш бир кишининг исте'мол нормасини (Н) кишилар сонига (П) кўпайтириш йўли билан аниқланади ($P=N*П$). Бунда нормалар, айрим товарларга, ўтган йилларда исте'мол қилиш нормаларидан фойдаланиш орқали ҳисобланади. Еҳтиежни статистика усулида ҳисоблаш еса ҳеч қандай илмий асосларсиз ўтган йиллардаги исте'мол миқдорини айрим бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар коофитсентига кўпайтириш орқали аниқланади.

Маркетинг тадқиқотлари инфраструктураси етарли даражада ривожланмаганлиги бу фандан уни яхшилаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш масаласини кўяди. Бу инфраструктура ишлаб чиқариш, ижтимоий сотсиал инфраструктуралардан фарқ қилиб, маркетинг жараенини тадқиқ етишда яхши йўлга қўйиш, амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқдир. У ўз ичига иншоотлар, йўллар, маданий-маиший хўжалик соҳалари, алоқа каби маркетингни амалга оширишга шароит яратиш билан банд соҳаларни ўз ичига олади. Улар жумласига ҳар-хил дастурлар пакети, ахборотларни узатиш, қайта ишлаш, сақаш асбоб-ускуналари илмий-техника воситалари ва бошқалар киради.

Назорат саволлари:

1. Бозор иқтисодиетининг махияти нимадан иборат?
2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва методи тўғрисида тушунча беринг?
3. Маркетинг контсептсияси нима?
4. Маркетинг тадқиқотлари фанининг таркибига кирувчи асосий йўналишлар кайсилар?
5. Фаннинг асосий муаммолари нималардан иборат?
6. Республикамизда маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғрисида нималарни биласиз?

7. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тамойиллари.
8. Маркетинг тадқиқотларида ахборот тизимининг аҳамияти.
9. Маркетинг ахборотлари нима?
10. Маркетинг тадқиқотларида сўров ўтказиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

Интернет ресурслари

1. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
 2. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
 3. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
 4. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.
-

2- Мавзу: Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.

Режа:

- 2.1. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси.
- 2.2. Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар.
- 2.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари.
- 2.4. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари.

Таянч иборалар: *Талабни тадқиқ этиш. Эхтиёжларнинг талабга айланиши. Якка талаб. Талабнинг баҳога боғлиқлиги. Талаб қонуни. Талаб эластиклиги. Зарарсизлик нуқтаси. Таклифни тадқиқ этиш. Таклиф қонуни. Нархнинг таклифга таъсири. Таклиф эластиклиги.*

2.1. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси.

Маркетинг қуйидаги вазифаларни хал этиш билан шуғулланилади:

- ❖ товарларга бўлган ички ва ташқи талабни ўрганиш;
- ❖ харидорлар (исте’молчилар) эхтиёжини ўрганиш ва аниқлаш;
- ❖ корхонанинг исте’молчиларини исталган эхтиёжларига мослашиш;
- ❖ товарлар рекламаси, харидорларни уларни сотиб олишга кўпроқ қизиқишини орттириш;
- ❖ товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилиш.

Маркетинг тизимининг мақсади мумкин даражада товар ва хизматларга бўлган максимал исте’молни аниқлаш, максимал исте’мол қониқишига еришиш, максимал кенг танловни таклиф қилиш, товар ва хизматларнинг сифатини максимал ошириш ва ўз исте’молчилар сафини кенгайтиришдир.

Айрим иқтисодчилар фикрича, маркетингнинг мақсади ишлаб чиқаришни иш билан бандлик ва бойликнинг ўсишини та’минловчи юқори исте’молни енгиллаштириш ва рағбатлантиришдир. Бошқаларнинг фикрича аксинча, маркетинг мақсади мумкин максимал исте’мол даражасида эмас, балки максимал исте’мол қониқишига еришишдан иборат. Лекин, биринчидан, аниқ товарни исте’мол қониқиш даражасини хозирча ўлчаш мумкин бўлмаган ва мумкин эмас. Иккинчидан, аниқ маркетинг қарорларидан алоҳида исте’молчилар томонидан олинган бевосита қониқиш атроф-мухитнинг ифлосланиши ва у келтирадиган зарар каби салбий натижаларни ҳисобга олмайди. Шундай қилиб, маркетинг тизими ва унинг фаолияти самарасини эхтиёжларининг қондирилиши кўрсаткичлари асосида баҳолаш жуда мураккаб ва деярли мумкин эмас.

1. Хужум қилувчи стратегия. Корхоналар бу стратегиядан фойдаланганларида, корхона товар ва хизматлар бозорини кенгайтириш учун бозорнинг муқобил улушини эгаллашга қаратилган. Бу 20% харидорлар бозори,

улар корхона таклиф қилган хизматнинг 80% ини сотиб оладилар. Авваламбор, ички бозор, сўнг эса аста-секин чет ел бозорини эгаллаб бориш назарда тутилади.


2. Марраларни ва ютуқларни ушлаш стратегияси. Бу стратегияга мувофиқ, корхона товарлар ва хизматлар бозорларида еришилган улушни ушлаб туришга ҳаракат қилинади. Агарда шу бозордаги корхона фаолияти уни қониқтирса ва бошқа чора қўлланилиши салбий натижа берса, бу стратегия ўзини оқлаган ҳисобланади. Бу стратегия хавfli бўлиши ҳам мумкин, чунки у ҳаракатдан тўхтаб туришга чорлайди. Бу эса рақобатчилар учун қўл келиб, корхона хизматлари бозордан сиқиб чиқаришга олиб келиш еҳтимolini туғдиради.

3. Орқага чекиниш стратегияси. Бу стратегия корхонанинг ўз рақобатдошларидан кўрсаткичлар жихатидан орқада қолаётганини сезса, бу ҳолда бозорда ҳаракатни тўхтатиши ма'қул ҳисобланади, собиқ шериклар билан алоқани узмаслик мақсадга мувофиқдир. Бу стратегия корхона маркетингига келажак фаолияти учун яхши мактаб бўлиши ва ундан тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Корхона маркетинги корхонанинг узоқ стратегиясини тузар экан, ўз исте'молчилари ва жамият манфаатларини ҳисобга олиши зарур. Бу ва шунга ўхшаш муаммолар тамоман янги, замонавий контсептсия пайдо бўлишига олиб келади. Янги контсептсия - ижтимоий ахлоқий маркетинг бўлиб, унинг моҳияти жамият, фирма харидор манфаатларининг муқобиллигини та'минлашдир. Бу контсептсия корхона маркетингини ҳам қамраб олади. Корхона маркетинги ҳам ўз фаолиятини жамият манфаатлари нуқтаи - назаридан амалга оширмоғи лозим. Ижтимоий-ахлоқий маркетингнинг мақсади амалдаги маркетинг контсептсияларидан фарқли равишда харидорлар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, фирма самарадорлигини оширишгина эмас, балки барча муаммоларни умумиллий, ижтимоий халқ хўжалик манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этиш дир. Маркетингнинг замонавий контсептсияси барча инсоний ва барча исте'молчиларнинг ҳамма эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга йўналтирилади. Шу тамойилларга кўра, корхона маркетинги ўз фаолиятида харидорларни жамият манфаатларига мос ва самарали фаолиятини рағбатлантириши ёки уларнинг жамиятга зид фаолиятини ҳар хил тўсиқлар билан чеклашга эришиши мумкин.⁷

⁷ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

2.2.Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар.



Бозор мухитини тасаввур қилганда, эътибор Харидорга қаратилиши лозим. Харидор эҳтиёжи ва уларни қандай қондирилишига тегишли бўлган проектнинг бозор мухитининг бу аспектлари асосий саволларидир. Проектнинг бозор мухитининг элементлари проектнинг ички ва ташқи мухитларининг элементларидан ошади.

Ташқи мухит

Ташқи мухитнинг хилма хиллиги фақат умумий кўринишдан идора қилиниб бўлмайдиган. Стратегик режа ва фаолиятлар ташқи мухитнинг характеристикалари билан шуғулланиб уни ташкилотнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб мувоқиллаштира олиши мумкин.⁸

Талаб

Талаб белгилари қуйидагилар: шахсий кирим ва унинг бир марталик киримга нисбатан тақсимоти, демографика ва аҳоли қатламининг маданий характеристикаси. Буни ташқи мажбурият деб тушунилиши мумкин, лекин кўпинча бозор йўналиши талаб аҳамияти ва ташкилот томонидан талабга бўлган эҳтиёжнинг нисбатига ҳам таъсир кўрсата олади.

Нарх

Деярли ҳар бир бозорда талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири орқали ўрнатилган нархлар тизими мавжуд. Проект тахлилчиси устун нарх тизимини тан олиши ёки уни бозор йўналишидаги бўшлиғини ривожлантиришига тўғри келади.


Энди проект томонидан таъминланган ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки импорт қилувчилар томонидан таклиф қилиниши мумкин. Проектнинг мақбул бозор йўналиши рақобатнинг бу кўринишини ҳам эътиборга олади. Рақобатчиларнинг хажми, уларнинг бозорга киришлари (бозорга киришнинг географик масофаси), уларнинг бозорга йўналишлари (маркетинг стратегияси ва дастури) ва уларнинг бозорда устунлиги буларнинг ҳаммаси эътиборга молик факторлардир.

Рағбатлантирув тизими

Рағбатлантириш бу бўлажак харидорларни жалб қилиш усулидир. Одатда бунинг расмий ва норасмий тизимлари мавжуд- медиа, рағбатлантирув стратегияси ва профессионал рағбатлантириш дизайнери рағбатлантириш стратегиясини ишлаб чиқади.

⁸ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

PRODUCT LIFE CYCLE MODEL(PLC) Маҳсулот ҳаёт циклининг модели




Кўпгина маҳсулотларнинг ҳаёт цикли ўсиш баҳоси турлича бўлган фазалардан иборат. Оддий фазалар қуйидагилардан иборат: бошланғич, ўсиш, етилган ва тушиш.

Бозор таҳлилчиси Маҳсулот ҳаёт циклининг қизиқиш секторидида хушёр бўлиши керак, маркетинг стратегияси ҳар бир фазада турлича бўлган ташкилотнинг стратегик мақсадлари, рақобатчилик вазиятлари, нарх ва фойда структураси, ва аниқ бозор шароитлари

каби шароитларга мослаша олиши керак.

RELATION OF PRODUCT LIFE CYCLE(PLC) TO DEMAND FORECAST



Маҳсулот ҳаёт циклининг талаб башоратига алоқаси

Бозорга янги кириш учун Маҳсулот ҳаёт цикли талаб башорати учун муҳим қисм бўлиши мумкин. Баъзи анъанавий башорат моделлари, бошқа бўлимларда муҳокама қилинган, бозорнинг умумий иқтисодий трендларга боғлиқлиги, демографик факторлар ёки маҳсулот ва товарлар билан боғлиқ истеъмол

масалалари олдиндан олдиндан айтиб берилган.⁹

Ҳар қандай жамият, иқтисодиётнинг ривожланиши иқтисодий қонунларнинг талабаларига мувофиқ амалга ошади. Маркетинг ҳам кишиларнинг махсус фаолияти сифатида бундан мустасно эмас. Иқтисодий қонунлар ҳаракати маркетингда янада яққол ва ёрқин кўзга ташланади. Бу иқтисодий қонунлар жумласига асосий иқтисодий қонун, ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига мос келиши, эҳтиёжни юксалиш, қиймат, талаб ва таклиф, ишлаб чиқаришнинг доимо юксалиш, меҳнат унумдорлигини ўсиб бориш қонуни ва х. к. лар қиради. Шундай экан, уларни мукамал билмоқ ва онгли равишда маркетингни бошқариш фаолиятида татбиқ етмоқ лозим. Масалан, асосий иқтисодий қонун талабига мувофиқ соф маркетинг корхоналари, маркетинг бошқармалари, бўлимлари ёки гуруҳлари оқибат натижада халқимизнинг ҳар қандай эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Бунинг учун маркетинг тадқиқотлари

⁹ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

ўтказилиши шарт бўлиб, улар ўз навбатида асосий иқтисодий қонуннинг янада кенг ҳаракати учун шарт-шароит яратиб берадилар. ¹⁰Маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ҳар қандай корхонанинг нафақат ишлаб чиқариш имкониятларини очиб беради, балки уларнинг бозор нуқтаи назаридан олиб бораётган маркетинг фаолиятларига ҳам баҳо беради. Товарларининг харидорларини ишлаб чиқариш, уларни сифатини ошириш, бозорлар сиғимини тўлдириш, уларни кенгайтира бориб, янги бозорлар очиш (иложи бориша чет ел бозорларига кириб бориш) ва х. к. Оқибатда харидорларнинг (исте'молчиларнинг) ҳар қандай эҳтиёж ва талабларини янада тўлароқ қондиришга еришиш.

Маркетингни тадқиқ қилиш уларнинг барчасини ўз ичига олиши зарур ва табиийдир. Шу қонун талабини е'тиборга олиб маркетинг ўзининг барча имкониятларини ишга солиши (эҳтиёжни тўғри аниқлаш, ЕХМ ва иқтисодий-математика усулларида фойдаланиши), янги товарларни яратилишига бош-қош бўлиши, янги бозорлар, ички имкониятлар излаши, рекламани кенгайтириш каби ишларни амалга оширолмоғи лозим. Бунда маркетинг тадқиқотлари қанчалик ёрдам беришини, қатта рол ўйнашлигини э'тироф етмоқ лозим. Умуман олганда, айрим исте'молчиларни эҳтиёжини тўлиқ қондириш мумкин. Масалан, энг учига чиққан пивоҳўрнинг эҳтиёжнинг ҳам 10-15 бутилка пиво билан қондириш мумкин. Лекин айрим хўжаликлар, уюшмалар ёки давлатнинг эҳтиёжи ниҳоятда ҳар хил ва кўпдир. Бироқ уларни қондиришга эса ресурслар ва имкониятлар чекланган бўлиши мумкин. Масалан, ер, сув ва айрим қазилма бойликларини, олтин, зеби-зийнатларнинг чекланганлиги, айрим ҳайвонлар - йўлбарс, тимсоҳлар ва х. к. ларнинг сонининг камлиги, уларнинг териларига бўлган эҳтиёжни ортиб бораётганлиги маркетинг изланишлари орқали аниқланиши ва шунга қараб бошқарилиб борилмоғи лозим. Бунда айрим товарларга баҳони ортиқроқ белгилаш, уларга бўлган талабни тушириши ва аксинча, уни ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши мумкин.

2.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари.

Кўпчилик маркетинг тадқиқотлари(Маркетинг Ресеарч) билан бозор тадқиқотларини (Маркетинг Ресеарч) бир хил фаолият деб тушунишади. Ма'лумки, «бозор тадқиқотлари» бозорнинг ўзини миқдорий баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олса, маркетинг тадқиқотлари товар ва хизматлар маркетингига та'сир қилувчи барча омилларни ҳам қамраб олади. Я'ни, у ўз ичига реклама ва сотиш каналларининг самарадорлигини ўрганишни, товарлар ва рақобатчи фирмалар маркетинг усуллари таҳлил қилишни ва шунингдек исте'молчиларнинг ўзларини тутишлари билан боғлиқ барча муаммоларни олади. Е. Ф. И. Брег ўзининг «Бошқариш тамойиллари» илмий асарида «бозор тадқиқотларини» қуйидагича тушунтиради: «Товар ва хизматларни ишлаб

¹⁰ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

чиқарувчилардан исте'молчиларга харакати билан боғлиқ назарий тамойилларга мос амалий масалаларни ечишга боғлиқ барча муаммоларни ўрганишдир». куйироқда эса бозор тадқиқот-ларининг мақсади куйидагича ифодаланади: «тижорат қарорларини қабул қилишда ноаниқликларини камайтириш». Бу иккала тушунтириш хам анча чекланган бўлиб, товар бозори ва уни тахлили юқоридаги тушунчаларга нисбатан кенгроқ мавзуни ташкил етади.¹¹

Маркетинг тадқиқотлари мақсади беш асосий: ким?, нима?, қанча?, қаерда? ва қандай? - деган саволларга жавоб топишдан иборатдир. Улар билан боғлиқ: нима учун? - деган савол тадқиқотларни ижтимоий-психология соҳасигача кенгайтиради. Бу соҳа алоҳида «мотиватсион тахлил» (мотиватион ресеарч) номи билан аталади ва харидорларни ўзларини тутишлари мотиви ўрганилади. Маркетинг тадқиқотлари тизими асосда амалга оширилади ва куйидагича туркумлаш мумкин:

- ❖ бозорни тадқиқ қилиш (мотиватион ресеач) - бозор хажми ва характерини аниқлаш (исте'молчиларни ёши, жинси, даромади, касби ва ижтимоий ахволи бўйича характеристикаси);

- ❖ мумкин бўлган исте'молчилар географик жойлашишини аниқлаш;

- ❖ айнан шу бозорда сотишнинг умумий миқдорида асосий рақобатчилар товарининг умумий хажмини аниқлаш, шу бозорга хизмат кўрсатувчи сотиш каналларининг таркиби ва ишни ташкил қилишини тадқиқ қилиш, бозорнинг таркибига та'сир қилувчи умумиқтисодий ва бошқа ташқи тендентсияларни тахлил қилиш.

Сотишни тадқиқ қилиш (салес ресеач) - алоҳида районлар бўйича сотиш миқдоридаги фарқни аниқлаш:

- ❖ сотиш районлари чегарасини ўрнатиш ва қайта кўриб чиқиш.

- ❖ коммивояжерлар томонидан миқдорлар хузурида бўлишни режалаштириш;

- ❖ сотувчилар иши самарадорлигини аниқлаш;

- ❖ сотиш усуллари ва сотишни рағбатлантиришни баҳолаш;

- ❖ «харажат - фойда» оралиғида тақсимот канали самарадорлигини тахлил қилиш;

- ❖ чакана савдодаги товар захираларини инвентаризатсия қилиш.

- ❖ Товарлар исте'мол хусусиятларини тадқиқ қилиш:

- ❖ рақобатчи товарлар кучли ва кучсиз томонларини тахлил қилиш (я'ни фақат ўз фирмангиз товаринигина эмас, рақобатчилар товарини хам ўрганиш;

- ❖ ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан фойдаланишнинг янги усулларини излаш;

- ❖ исте'молчиларни жалб қилган холда янги маҳсулот ғоясини тахлил қилиш;

¹¹ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

- ❖ кадоқлаш соҳасидаги тадқиқотлар;
- ❖ ассортиментни соддалаштириш имкониятларини ўрганиш.¹²

2.4. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари.

Хар қандай илмий тадқиқотларни ўтказишда маълумотлар олиш учун ахборотларнинг икки манбаидан - бирламчи ва иккиламчи туридан фойдаланилади. Иккиламчи манбалар - бу доим биринчи навбатда ўрганиш зарур бўлган мавжуд маълумотлардир. Кўпчилик холда бу маълумотлар кўзда тутилган тадқиқот йўналишларидан йироқ мақсадларда йиғилган бўлади. Шунинг учун уларни янги маълумотлар йиғиш ёки бирламчи маълумотлар билан тўлғазиш зарур. Ахборотлар манбалари орасидаги фарқ икки турли тушунча - кабинетли тадқиқот (деск ресеарч) ва кабинетдан ташқаридаги тадқиқот (фиелд ресеарч)нинг мавжуд бўлишига сабаб бўлган. Юқорида келтирилганидек, кабинетли тадқиқот иккиламчи маълумотларни йиғиш мақсадида, кабинетдан ташқаридаги тадқиқотлардан олдин ўтказилади. Чунки зарур ахборотлар, уларни тизимийлаштириш, тўлдириш зарур бўлса ҳам мавжуд бўлади. Бундан ташқари бу тадқиқотлар текшириш ёки экспертмент давомида айнан қандай маълумотлар олиниши лозимлигини аниқлаб беради. Шунингдек босма материаллар ахборот манбаи сифатида нисбатан олиш осон ва тўғри фойдаланилган холда вақт ва пул маблағларини тежашга олиб келади.

Кабинетли тадқиқотлар фирманинг ўз хисоботини ўрганишдан бошланади. Хисоботни юрғатишга мос бўлимлар жавобгар бўлса ҳам, маркетинг тадқиқотлар бўлими хисоботларни унификатсиялашнинг етарли даражасини таъминлаши ва шу орқали фирма учун ахборотлар базасини яратиши лозим. Бундай базис маълумотларни олиш мумкин бўлган хисобот хужжатлари қуйидаги фаолият соҳаларини қамраб олган бўлиши зарур.

Кузатиш техникаси кузатувчининг ўз ишининг яхши билиш даражаси ва жараёнларга қанчалик ҳаққоний ёндошишига боғлиқ. Бу усулнинг чекланганлиги унинг яширин характердалигидир. Чунки кузатиш харидорлар онгида қандайдир акс таъсир етмаслиги лозим. Бундан ташқари ташқи кўриниш кўпчилик холда харидорларнинг ички мотивини очиб бермайди.

Эксперимент ўтказишда назорат ўтказиш мумкин. Эксперимент ўтказиш танлама усулга нисбатан арзонроқдир. Эксперимент усулининг асосий камчилиги лаборатория шароитларида харидорларнинг нормал ўзларини тутишларини тиклаш мумкин эмаслигидир. Кўпчилик холда бундай қийинчиликлар Экспериментни табиий шароитда ўтказиш йўли билан ечилади. Масалан, кадоқлашни тажриба намуналарини дукон пештахталарига жойлаштиришни олиш мумкин. Фақат бир ўзгарувчини ўрганиш жуда қимматга тушиши ва кўп меҳнат талаб қилади. Бунга сабаб кўп сонли ўзгарувчиларни синаб кўришдир. Масалан,

¹² Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

қадоклашни ўрганишда, алохида-алохида унга та'сир қилувчи номи, ранги, хажми, шакли, ахборотлар қиймати ва умумий та'сирини аниқлаш мумкин. Гозирги вақтда кўп омилли тахлил ўтказишга имкон берувчи лотин квадратлари усули, омилли тахлил усули сингари усуллар мавжуд.

Назорат саволлари:

1. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
2. Маркетингни макро ва микро мухити деганда нималарни тушунасиш?
3. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади ва асосий вазифалари нимлардан иборат.
4. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишларини санаб беринг?
5. Маркетинг стратегиялари тўғрисида нималарни биласиз.
6. Дала ва кабинетли тадқиқотлар деганда нимани тушунасиш.
7. Маркетинг тадқиқоти ва бозор тадқиқоти уртасида қандай фарқлар бор?
8. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
9. Маркетинг стратегияларидан амалда қўллаш қандай натижаларга олиб келиши мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012
5. Zufarova N. Branding. Т.: TSUE. 2014.

Интернет ресурслари

1. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
2. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
3. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
4. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.

3- мавзу: Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш.

Режа:

3.1.Маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти.

3.2.Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш.

3.3.Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси.

Таянч иборалари: Аниқ талаб. Талабнинг 7 элементи. Талаб таснифи. Талаб атамаси. Талаб аниқловчилари. Талаб ва таклиф алоқаси. Талаб ва таклиф тенглиги. Таклиф таҳлили. Бозор улуши. Ўсиш имкониятларини излаш. Харидор гуруҳи ёки аҳоли қатлами. Географик территория. Вақт оралиғи. Бозор муҳити. Харидо товарлари ва ишлаб чиқарувчи товарлари. Доимий ва доимий бўлмаган товарлар. Ўз- ўзини бошқарувчи талаб ва келтириб чиқарилган талаб. Шахсий талаб ва бозор талаби. Эффе́ктив талаб. Беркитилган талаб. Қондирилмаган талаб. Потенциал бозор. Макро муҳит. Физик муҳит. Ўзаро боғланган саноат ҳолати. Ички талаб.

3.1.Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш нинг моҳияти ва аҳамияти. (Demand defined) Аниқланган талаб

DEMAND DEFINED

THE TOTAL VOLUME OF A PRODUCT (GOOD OR SERVICE) LIKELY TO BE CONSUMED

- ❖ BY A DEFINED GROUP OF CONSUMERS
- ❖ IN A DEFINED GEOGRAPHICAL AREA
- ❖ DURING A DEFINED TIME PERIOD
- ❖ IN A DEFINED MARKET ENVIRONMENT
- ❖ UNDER A PARTICULAR MARKETING APPROACH

Талаб аниқ харидорлар гуруҳи томонидан аниқланган, аниқ географик территорияда, аниқ муддат давомида, аниқ бозор муҳитида, махсус бозор йўналишида – олинадиган (товар ва хизматлар) маҳсулотнинг умумий миқдори орқали аниқланиши мумкин.

Талаб товар ёки хизматнинг башорат қилинган истеъмоли, иқтисодиётнинг дунё бозорида олинадиган умумий миқдор бўлиши мумкин. Талаб маҳсулотнинг ҳаёт цикли бўйича турлича

бўлиши мумкин¹³.

SEVEN ELEMENTS OF DEMAND

| | |
|----------------------|---|
| PRODUCTS | PRESENT AND FUTURE APPLICATIONS |
| VOLUME | PHYSICAL MEASURE MONETARY VALUE |
| CUSTOMERS | SEGMENTS |
| GEOGRAPHICAL AREA | ORGANISATIONAL LIMITATION NATURE OF PRODUCT ENVIRONMENTAL LIMITATIONS |
| MARKET ENVIRONMENT | EXTERNAL ("UNCONTROLLABLE") VARIABLES |
| TIME PERIOD | TO PLANNING HORIZON |
| MARKETING STRATEGIES | APPROACH TO MARKETS |


SEVEN ELEMENTS OF DEMAND

Маҳсулот: Маҳсулот учун асосий талаб махсус аниқланиши керак. Масалан, маълум бир давр мобайнида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган велосипедларни сотиб олиниш миқдорини топиш муҳим эмас. Маҳсулот мавжуд бозор кўрсаткичлари (дейлик 20 тезликда аниқ оғирликдан паст бўлган тоғ

¹³ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

велосипедлари) орқали ёки проектда таништирилган маҳсулотнинг янгиликлари орқали аниқ кўрсатилиш шарт. Қарор таҳлилчи қанчалик тўхри кўра олишига боғлиқ бўлади.

(Demand classification) Талаб классификацияси



Талаб товар ва хизматларнинг турли квалификациялари билан аниқланиши мумкин. Бунинг бир сабаби савдо статистикаси маҳсулот квалификациясига асосланади. Нашр этилган маълумотлардан аниқ башоратларни ўтказиш учун проект маҳсулоти махсус квалификациялар билан аниқланиши лозим. Бошқа сабаби эса махсус харидор турли маҳсулот квалификацияларга

асосланади.

Харидор товарлари ва ишлаб чиқарувчи товарлари: Харидор товарлари деганда уй бекалари, одамлар ва хайвонлар истеъмол қиладиган масалан, озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй бекаларининг қонуний хизматлари кабилар тушунилади.

Ишлаб чиқарувчилар товарлари бошқа товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган воситалар масалан машиналар, завод бинолари, хомашё ва шу кабилар тушунилади.

(Demand terminology) Талаб атамаси



Талаб турлича йўллар билан ифодаланиши мумкин, уларнинг хар бирини аниқ маънолари бор. Талаб аниқланётганда, ёки талаб маълумотларидан фойдалаётганда, фойдаланилган атамалар маълумот олинган манба кўрсатилиши керак.

Эффектив талаб: Аниқ маҳсулот hozirgi ёки бўлғуси талабга кераклича таъсир кўрсатмайди. Эффектив талаб бу сотиб

олиш хоҳши билан бирга тўлаш имконияти борлиги ҳамдир. Баъзи шу категорияга тушган бўлғуси харидорлар шу маҳсулотни ололмайдилар.

Маркетинг тадқиқоти ишлари барча ташкилот ва корхоналар фаолиятида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бозор хусусидаги ахборот ёки хабарларга суяниш, улардан керакли вазиятларда фойдаланиш, табиийки, зарурий шартдир. Лекин, фирма ва ташкилотларнинг мақсадли бозор, харидор сари интилишларини амалга оширишда муайян йўналишга ва мақсадга бўлган маркетинг тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди.

Бу ўринда машхур «Маркс энд Сиенсер» компаниясининг бой тажрибаси диққатга сазовор. Англияда йирик ва нуфузли саналган ушбу ташкилот «юмшоқ товарлари» (кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари) чакана товар оборотида 16 фоизни ташкил этади. Хар бир квадрат метрга тўғри келувчи товар обороти хажми бўйича бу компания дунёда биринчи ўринда туради. 80-йилларда «Маркс энд Сиенсер» Парижда ўз шахобчасини очиш ва франтсуз харидорлари дидига мос келувчи товарларни таклиф қилиш мақсадида 18 ой мобайнида муттасил маркетинг тадқиқотларини ўтказди. Вахоланки, британиялик ва француз оилаларининг турмуш тарзи, хаётий кўникмаси, қизиқувчанлиги, даромадлари бир-бирларига жуда ўхшаш бўлса ҳам, маҳаллий бозор табиати, ундаги рақобат, харидорлар талаби бирмунча фарқ қилар экан.¹⁴

Бундан кўриниб турибдики, хар бир ташкилот, фирма ўз бозори ва харидори кўламини сақлаш, улар салмоғини ошириш, янги эҳтиёжни қондириш учун доимий тарзда маркетинг тадқиқотларини амалга оширмоғи лозим.

Албатта хар маркетинг тадқиқоти тегишли сарф харажатларни талаб этади. Асосан йирик фирмалар ўз таркибий тузилмалари, шў'ба ташкилотлари миқёсида маркетинг тадқиқотларини ўтказадилар. Лекин барча сохалар бўйича тадқиқотларни ўтказишга имконият ва муайян заруратлар доимий бўлмаганлиги ҳамда ходимларни бутун йил давомида ишда банд қилиб туриш қимматга тушиш сабабли, айрим муаммоларни ихтисослашган маркетинг марказларига, институтларига топширадилар ва даврий тарзда ахборот олиб турадилар.

3.2. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш органлари

ХИХ асрда кўпгина фирма ва корхоналар «кичкина» бўлиб, бу фирма ва корхоналарни хизматчилари ўз харидорларини шахсан билишган ва керакли ҳамда зарур бўлган маркетинг ахборотларини ўз харидорлари билан мулоқотда бўлиб, уларни маҳсулот харид қилиб олиш жараёнидаги хатти-харакатларини кузатиб, уларга корхона ва фирма учун қизиқарли бўлган хилма-хил саволлар бериш орқали ма'лумотларни йиғиб боришган.

Кейинги йилларда қуйидаги учта тендентсияни кучайиши натижасида маркетинг ахборотларни янада сифатли ва кенгроқ миқёсда тўплашга имкон яратилди.


1. *Маҳаллий даражадаги маркетингдан умумий маркетинг миқёсига ўтиш.* Фирма ва корхоналар доимо ўз бозорлари худудини кенгайтириб боришлари сабабли, уларни бошқарувчилари ўз харидорларини хаммасини ҳам шахсан таниши қийинлашиб боради. Шунинг учун маркетинг ахборотларни тўплашни, тартибга солишни, кейинги маркетинг тадқиқотлари учун зарур бўладиган ма'лумотлар доирасини аниқлашни янги йўллари топиш талаб этилади.

2. *Исте'молчилар заруриятдан исте'молчилар талабига ўтиш.*

¹⁴ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

Исте'молчилар даромадларининг ортиб бориши натижасида улар товар ва хизматларни танлаш чоғида синчков бўладики, бундай пайтларда исте'молчиларни хатти-харакатларини оддиндан айтиб бериш мезонларини топиш талаб этилади. Исте'молчи талаби сабабларини ўрганиш қондирилмаган эхтиёж ва заруриятларни аниқлаш, товар ва хизматларни тури, сифати ва миқдорига кўра хар хил талаб қўядиган исте'молчиларни гуруҳларга (сегментларга) ажратиш ҳамда хар хил сегмент доирасида алохида, ўзига хос бўлган талабни маркетинг тадқиқотлари орқали топишга ҳаракат қилинади.

3. *Нархлар билан рақобат қилиш ўрнига нархсиз рақобат қилишга ўтиш.* Фан ва техника ютуқлари туфайли рақобатнинг нарх билан боғлиқ бўлмаган усулларида фойдаланишнинг қулай шароитларини юзага келтирмоқдаки, нархсиз рақобатда товарнинг нархи эмас, балки унинг юқори сифати, замонвий дизайни, сервис хизмати, товар ёки хизмат таклиф етаётган корхона ёки фирма шухрати, реклама, савдо-сотикни рағбатлантириш рақобат курашининг асосий омилига айланади.




3.2.1-расм. Маркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг умумий тизими

3.3.Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси

Бозор имкониятларини яхшироқ билиш ва маркетинг муаммоларини ҳал этиш учун фирмага тўлиқ ва ҳаққоний ахборот зарур. Фирма ўз харидорларини,

рақобатчиларни, воситачиларни, сотиш ва баҳолар тўғрисидаги ма'лумотларни таҳлил қилмасдан туриб ҳар томонлама тадқиқ, режалаштириш ва назорат қилишни амалга оширилмайди. Машхур америкалик маркетинглоглардан бири шундай деган еди:»Бизнесни бошқариш - бу унинг келажагини бошқариш, келажакни бошқариш - ахборотга эғалик қилишдир.

Ҳақиқатдан ҳам ахборот - молиявий, хом-ашё, асбоб-ускуналар ва ишчи кучи каби муҳим бошқариш ресурси ва об'екти бўлиб қолмоқда. Шу билан бир вақтда хорижлик тадқиқотчилар та'кидлаганидек, бозор тўғрисидаги ахборотлардан тўлиқ қониққан корхонани топиш жуда мушкул. Айримлар аниқ ма'лумотларнинг етишмаслигидан нолисалар, бошқалари ноаниқ ахборотнинг кўплигидан нолийдилар. Бундан ташқари ахборотнинг қанчалик ҳаққонийлигини аниқлаш ҳам муаммодир. Шунинг учун ҳатто хорижда ҳам харидор бозори шароитида жуда камдан-кам фирмаларгина ривожланган маркетинг ахбороти тизимига эга эканликлари билан мақтана оладилар. Уларнинг кўпчилиги маркетингли тадқиқот бўлимларига эга эмаслар, бошқалари ўз таркибларида, сотишни истиқболлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи кичик бўлимларга эгалар. Енди биздаги ахволга келсак, бозорнинг ахволи ҳақида ахборот тўплаш ҳали ўз ривожининг илк босқичидадир.



3.3.1-расм. Маркетинг тадқиқотлари жараёни.

Биринчи босқичда тадқиқотга қўйиладиган талабларни шакллантирмоқ ва унинг об'ектини аниқлаш зарур. Бу ма'нода кўп нарса тадқиқотлар раҳбарига боғлиқдир. Масалан, агар бу ахборот бўлимидан телефон апаратига бўлган талаб тўғрисида сўров берса, бўлим ходимларида бу нарса жуда кўп тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин, я'ни аҳоли ўртасида сўровни қандай кўламда ўтказиш лозим, балки аҳоли орасида эмас, ташкилот ва корхоналар ўртасида лозим-ми? Я'ни шу нарса нома'лумки, телефонларни қандай таснифларини ўрганиш зарур, чунки улар бир неча ўнлаб мавжуд? Ҳаттоки, агар бу ма'лумотларнинг барчаси жуда зарур бўлса ҳам, улар бошқарувчи учун тўғри қарорлар қабул қилиш учун бутунлай кераксиз бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ташкил этиш босқичлари қандай?
2. Маркетинг тадқиқотларида бозор фаолияти билан боғлиқликнинг моҳияти нимада?
3. Ма'лумотлар йиғиш бўйича тадқиқотлар режаси қандай тузилади?
4. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усуллари нималардан иборат?

5. Маркетинг тадқиқотлари жароёни қандай босқичлардан иборат?
6. Маркетинг тадқиқотларининг таркиби.
7. Маркетинг ахборот тизимининг моҳияти ва аҳамияти.
8. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ташкил этиш .
9. Маркетинг тадқиқотларини ўтказувчиларга қўйиладиган талаблар.

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

4- мавзу.: Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими

Режа:

4.1. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари.

4.2. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.

4.3. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш.

Таянч иборалар: *Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими (МАТ). Ташқи ва ички ахборот олиш манбалари. Ахборотларнинг даврийлиги. Интеллектуал тизим. Ижтимоий-иқтисодий ахборотлар. Шахсий интервью. Гуруҳли интервью. Рақобатчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш. Ахборотларни узатиш.*

4.1. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари.



(DETERMINANTS OF DEMAND) Талаб ифодалари

Аҳоли: Талабга таъсир кўрсатувчи демографик характеристикалар булар миқдор, бахонинг ўсиши, ё шва киримга ўхшаш турли категориялар орқали аҳолининг истеъмоли. Бир марталик кирим хатто маданий ва этник йўналиш ва томонлар дискрецион сотувга катта таъсир кўрсата олади. Ишчи қатлам ўз регинларидаги нишондаги бозорнинг талаби- юқори ишсизликка, хатто у мўлжалдаги

харидорларга тўғридан тўғри таъсир кўрсатмаса ҳам талабга оўроқ бўлса ҳам таъсир кўрсатади.¹⁵

(DEMAND-SUPPLY RELATIONSHIP) Талаб- таклиф алоқаси

DEMAND-SUPPLY RELATIONSHIP

- ❖ **DOMESTIC SUPPLY:**
= LOCAL PRODUCTION + IMPORTS
- ❖ **DOMESTIC DEMAND (APPARENT CONSUMPTION):**
= DOMESTIC SUPPLY - (EXPORTS ± Δ INVENTORIES)

$$C = S - (E \pm \Delta I)$$

C Apparent consumption
S Supply
E Exports
 ΔI Change in inventories

Хозирги таклиф вазиятини тушуниш бозорда таклиф этилган маҳсулотни аниқ истеъмоллини баҳолаш учун кераклидир.


Ички таклиф: Берилган регион ёки мамлакатда, маҳсулотнинг доимий таклифи маҳаллий ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори ва импорт- бу истеъмол учун аниқ етарли бўлган миқдоридир. Статистик маълумотдан фойдаланганда импорт қилинган

маҳсулот проект маҳсулоти билан ҳақиқатдан ҳам бир хил эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Кўпинча бу маълумот жамланади ва тўғридан тўғри проект маҳсулот билан боғлана олинмайди. Бошқача оғоҳлантириш эса бу маҳсулот зиёнлари- кафиллик хизмати ва тарқатиш йўларида маҳсулотнинг зиёнини ҳисоблашга ҳаракат қилиш. Маълумотнинг тўғрилиги эса бошқа масала.

Ички талаб (аниқ истеъмол): Агар статистик маълумот талаб баҳоси учун асос бўлса, алоқа кўрсатилгандек. Аниқ истеъмол олинган статистик маълумотларга асосланади. Баъзи таклифлар (юқорида кўрилгандек) экспорт ва янги ўзгаришлар учун фойдаланилади.

$$\text{APPARENT CONSUMPTION} = \text{SUPPLY} - (\text{EXPORTS} + \text{INCREASE IN INVENTORIES})$$

(DEMAND-SUPPLY EQUILIBRIUM) Талаб ва таклиф тенглиги



Самарали бозорларда айниқса маълумот бемалол оқиб кирадиган ва сотувчи ва сотиб олувчилар кириши тўскинлик ва босим бўлмаган бозорларда талаб ва таклиф алоқалари тенглиги кўрилади

Умуман талаб нарх ошиши билан тушади, чунки нарх ошганда. Сотиб олиш истаги ва имконияти бўлган харидорлар камаяди. Таъминотчилар нарх ошганда кўпроқ ишлаб

¹⁵ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

чиқаришга мойил бўлишади.¹⁶

Таъминотчилар талаб қилинаётган нархда, ўзларининг ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларнинг чегарасига асосланиб, имкони қадар кўпроқ товар билан бозорга киришга интиладилар. Самаралироқ ишлаб чиқарувчилар мавжуд бозорнинг охириги сегментларигача оладилар чунки уларнинг критериялари кўпинча қониқтирилади.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан бири, бу ахборотларнинг тўла қонли бўлишидадир. Умуман олганда ҳозирги кун саноат, индустрия асрини ахборотлар билан алмашганлиги билан характерланади. Индустириал аср учун хос бўлган хусусиятлари: моддий не'матлар, саноат ишлаб чиқаришнинг устун даражада ривожланиши, саноат ишчиларининг хиссасини ошиб бориши билан характерланса, ишлаб чиқариш эса ялпи, йирик серияли ва катта сиғимдаги бозорга мўлжалланган бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиши эса жонсиз ва жонли меҳнатни, хом ашё, моддий ресурсларни тежаш ҳисобига, корхонани кенгайтириш ва таннархини пасайтириш ҳисобига амалга ошириладиган бўлса, ахборотлар даврига келиб иқтисодиётда хизмат кўрсатиш тармоқларининг улуши ортиб боради ва айниқса ахборотлар хизматини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган воситачилик хизмати юқори даражада ўсади. Бу даврда ишлаб чиқариш ниҳоят даражада мослашувчан, якка, айрим буюртмаларни бошқаришга кичик эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган, қандайдир айрим харидорнинг ҳар қандай хоҳиш ва истагини қондиришга қаратилгандир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиш муаммоси ҳам ўзгача бўлиб, ўтмиш меҳнатни тежашга, сотиш ва бошқариш харажатларини камайтиришга кўпроқ боғлиқдир. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унинг таркибидаги, масалан, АҚШ, Япониянинг аксарият саноат тармоқларида иш ҳақи харажатлари 5% дан ошмайди. Ҳозирги ахборотлар даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири кооперативлар, кичик ва ўртача корхоналар сонининг кўпайиб бориши ва ҳар бир ишчи хизматини бошқариш ва фойдада иштирокини ортиб бориши билан характерланади.

4.2 Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) маркетингли режалаштиришни такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидан назорат мақсадларида фойдаланиш юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш учун замон ва маконда ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарқатиш юзасидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кишилар, асбоб-ускуналар ва жараёнлар йиғиндисида.¹⁷

¹⁶ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

¹⁷ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

Маркетингни бошқариш ишини амалга оширишда бизнинг билимларимизни кўпайтирадиган маълумот ва ахборотларнинг барча турлари (оғзаки, ёзма, чизмакашлик ахбороти ва хоказо) ахборотга керади. Булар янги машиналар, янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни сотиш, рақобатдошлар, уларнинг ҳолати, келажаги ва хоказолар тўғрисидаги ахборотлардир. Хар бир корхона, ташкилот ёки маркетинг бўлими, гуруҳлигидан қатъий назар ахборотнинг статистика, оператив, режа-иқтисодий, бухгалтерия ахборотларини, молиявий ахборот, моддий техника таъминотига оид ахборот, кадрларга оид ахборот, технология, конструкторлик, справка каби турлари бўлади. Ахборотни олиш манбаларига кўра ички ва ташқи ахборотга бўлиш мумкин.

Ахборот доимийлиги хусусиятига кўра:

1) шартли-доимий (справка-норматив) ахборот, яъни нисбатан камдан-кам ўзгарувчан ахборотга (нормалар, баҳо, режа кўрсаткичлари);

2) ишлаб чиқаришда юз бераётган жараёнлар динамизмини акс эттирувчи ўзгарувчан ахборотга бўлинади. Ахборотнинг бу турлари даслабки ахборотлар деб аталади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ахборотлари тафовут қилинади. Бу ахборот шартли-доимий ва ўзгарувчан ахборотни қайта ишлаш натижасида олинади ва бошқарув тўғрисида қарор қабул қилиш учун анча яхши ишланган ахборот ҳисобланади.

Шунинг учун ахборот аниқ фойдаланувчига мўлжалланган бўлиши лозим. Шу мақсадда МАТни етказиб берувчилар уни жорий қилгунга қадар қуйидагиларни аниқлаб олишлари зарур:¹⁸

- ❖ доимий равишда қандай қарор турлари қабул қилинапти;
- ❖ қарорлар қабул қилиш учун қандай ахборот турлари керак;
- ❖ доимий равишда қандай ахборот турлари келиб тушмаяпти;
- ❖ ҳозирги вақтда келиб тушмаётган ахборотлардан қайси бирини келажакда олиш зарур;
- ❖ хар куни, хар ҳафтада, хар ойда ва хар йилда қандай ахборотларга зарурият бор;
- ❖ қандай журналлар, газеталар, савдо таҳлиллари ёки бошқа ахборот манбаларидан доимий равишда фойдаланмоқ зарур;
- ❖ ахборотларда қандай махсус мавзулар ўз аксини топмоғи зарур;
- ❖ ўрганиш учун қайси бир ҳисобот аналитик дастурлардан фойдаланиш мумкин;
- ❖ мавжуд МАТини такомиллаштириш юзасидан энг муҳим тадбирларни айтмоқ.

Аниқ ахборотга, шу жумладан айнан ўзи хоҳлаган ахборотга эга бўлган бошқарувчи бир хил шароитларда бошқаларга нисбатан тўғри ва фойдали қарорлар қабул қилишда устунликка эга бўлади. Шунинг учун МАТини

¹⁸ Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012

режалаштирувчилар бошқарувчида у ёки бу ахборот мавжудлигини аниқлабгина қолмасдан, уни у ёки бу ахборотга қараб тўғри мўлжал олишга ундашга ҳам ҳаракат қилишлари зарур. Айтайлик, савол туғилади: бошқарувчи реклама бюджети ҳажмини аниқлашда, ассортимент бўйича қарорлар қабул қилиш учун нималарни билиши керак? Шу нарса маълум бўладики, бошқарувчи бозорнинг тўйиниш даражаси, рекламанинг мавжуд эмаслиги шароитида сотишнинг пасайиш даражаси, рақобатчиларнинг режалари ҳақидаги ахборотларга муҳтождир. Худди шундай ахборотларни МАТ орқали бошқариш соҳасида қарорлар қабул қилиш учун режалаштириш олиш зарурдир.

4.3. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш.

Маълумотлар ниҳоятда хилма-хил ва улар маркетингни бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Уларни йиғиш сермашаққат, кўпдан-кўп мутахассис ва техник воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилганлиги туфайли, уларни йиғиш доимо қимматга тушади. Лекин қўйилган мақсадга еришиш учун бу фаолият жуда зарурдир. Бу маълумотларни харидорлар, воситачилар, сотувчилар ва рақобатчилар ўртасида турли сўровлар, интервьюлар ўтказиш йўли билан олинади. Бирламчи маълумотларни йиғишнинг бир неча усуллари мавжуд: кузатиш, обзорлар тайёрлаш, Эксперимент.

Кузатиш усулини қўллаб тадқиқотчи, харидорлар ва сотувчилар атрофида ўралашиб, уни қизиқтирган товарга бўлган талабнинг ўзгариши ҳақида маълумотларни йиғиш мумкин. Худди шу йўл билан рақобатчилар товари тўғрисида ҳам маълумот йиғиш мумкин.

Обзорлар тайёрлашда янги товарлар таснифини яратишда, реклама матнларини тузишда, реклама қилишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилганда, сотишни рағбатлантириш тадбирларига тайёргарлик кўришда, товар ҳаракати каналларини тадқиқ қилиш ва бошқалардан фойдаланиш муҳимдир. Бу усул кузатиш ва Эксперимент оралиғида турувчи усулдир.

Эксперимент ёрдамида тадқиқ қилинаётган нарсани қандайдир омиллари ва уларнинг ўзгаришига бўлган таъсирини аниқланади. Бу усулнинг мақсади ишчи гипотезаларини инкор этиш дир. Маълумотлар йиғишни бу усули савдо персоналини тайёрлашнинг яхши усулини аниқлашда, баҳолар даражасини аниқлаш каби маркетинг муоммоларини ўрганишда қўлланилади.¹⁹

Назорат саволлари:

1. Республикамизда ахборотлардан фойдаланиш еркинлигини таъминловчи қонунларни биласизми?
2. Ахборот ресурсларининг бошқа иқтисодий ресурслар орасида тутган аҳамияти нималардан иборат?

¹⁹ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2, handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

3. Нима учун ХХИ аср ахборотлар асри деб аталмоқда?
4. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлардан фойдаланишнинг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Маркетинг ахборотлар тизими нима ва у қандай ташкил қилинади?
6. Ахборотлар манбаи деганда нимани тушунасиз ва уларни йиғиш усуллари қандай?
7. Ахборотларни туркумланиши.
8. МАТни ташкил қилиш босқичлари.
9. Ахборот йиғиш усуллари.
10. Ахборотларни қайта ишлашнинг техник воситалари.

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

Интернет ресурслари

1. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
 2. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
 3. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
 4. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.
-

5- мавзу: Бозор кенглиги ва талабни башорат қилиш.

Режа:

- 5.1. Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар.
- 5.2. Бозор салоҳияти тушунчаси .
- 5.3. Бозорни башорат қилиш услуги.

Таянч иборалар: Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор кенглигини ифодаловчи меъёрий белгилар. Башорат қилиш жараёни босқичлари. Башорат қилиш объекти. Башорат қилишнинг экстраполяция услуги. Башорат қилишнинг интерполяция услуги. Иқтисодий-математик услублар. Таркибий моделлаштириш. Бозор салоҳияти тушунчаси. Бозорни башорат қилиш услуги.


5.1. Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар

(SUPPLY ANALYSIS) Таклиф таҳлиллари.



Проект йўқлигида таклиф рақобатчилар ва импорт ҳисобидан амалга оширилари. Баъзи ички маҳсулотлар экспорт учун рад этилган, ва шундай қилиб бу маҳаллий истеъмол учун мавжуд бўлмаган. Маҳсулот учун таклиф таҳлили доимо маҳсулотнинг эркинлигини бозор орқали сўрашга қарор қилиш асослари формалари таклиф этади.²⁰

MARKET SHARE Бозор улуши.



Бозор улуши нима, У ўзи танлаган маркетинг стратегиясининг ишсизлиги орқали проектда ишлатилган талаб пропорциясидир. Бозор ичига кириш бу бозор улушига химояланган ўлчовдир.

Бозор улуши проектнинг савдо ва ишлаб чиқариш дастури, сифис детерминацияси ва инвестиция даражаси асосида ташкиллаштирилади. Бозор улуши қандай олдиндан башорат қилинади. Таҳлилчи хар

бир факторнинг улуш ва бозорга киришига қараб ахамияти ва самарасини аниқлашга ҳаракат қилади.

(SEEKING GROWTH OPPORTUNITIES) Ўсиш имкониятларини излаш

²⁰ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.



Ички бозорга қараб, тадқиқот бозор потенциалли бўлган аниқ даражалар: (1) маҳсулот тақчиллиги, (2) тақсимот тақчиллиги, (3) фойдаланишдаги тақчиллиги, бундан ташқари талаб ва таклиф бўшлиғига ҳаракат қилиши керак.

Маҳсулот тақчиллиги: Маҳсулот ёки қадокнинг мос бўлмаган миқдори маҳсулот

опционлари, стили, исталган хусусиятлари, ранг, шакл ёки сифати²¹

Ечим: маҳсулот линиясини тугаллаш ёки тўғрилаш.

Тақсимот тақчиллиги: Таъминлаш: Харид истаги бўлган ҳамма территорияларда маҳсулот тақсимотининг камлиги. Тезлик: Маҳсулот нетворк орқали хозиргина етказилган, лекин етарлича миқдорда эмас. Тақдимоти: Маҳсулот бозорда ёмон тақдим этилган. Ечим: Тақсимот каналларини тўғрилаш.

Маркетинг тадқиқоти ҳар бир ташкилот ва корхона учун амалдаги ва истакдаги бозорларда фаолият юритиш қай даражада кетишини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан энг аввало бозор кенглиги, унинг ўзгаришига таъсир қўлувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Булар ичида талаб ҳажмининг ўзгариши, сафдош ва тўлдирувчи товарлар таркибидаги силжишлар асосий ўринни эгаллайди. Хусусан талабнинг жорий миқдорини баҳолаш, келгусидаги унинг ўзгаришини сеза билиш ва башорат қилиш, бу ўринда бозорнинг кенглигини ифодаловчи муҳим белгилардир.²²

Бозор кенглиги ва талабни миқдорий баҳолаш, ўлчаш масаласига бир мунча кенг маънода ёндашиш лозим. Чунки бозор ва ундаги талабни бир-бирига боғлиқ бўлган уч ўлчамли кўламда тасаввур эта олиш керак. Миқёсий ўлчамда бозорни жаҳон, мамлакат, вилоят, шаҳар, аҳоли пункти кўламига ажратиш мумкин. Муддатли кўламда эса қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга бўлиш, барча учун маълум бўлган белгидир. Маҳсулот кўламида эса, уни барча маҳсулотлар бозорида, тармоқ, корхона асоортименти миқёсида, муайян маҳсулот тури, шакли, номи сифатида тасаввур эта олиш лозим.

5.2. Бозор салоҳияти тушунчаси.

Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш ўз олдига компаниялар, фирма (корхона) товарларини самарали сотиш имконини, унинг кенгайиши учун янги сегментлар, сифатини яхшилаш, захиралар ва янги товарлар яратишни, истеъмолчилар талабини қондириш ва юқори фойда олишни мақсад қилиб қўёди.

²¹ IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.

²² Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012

Бу мақсадни амалга ошириш учун чуқур маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади. Бозорни маркетинг нуқтаи назаридан тадқиқ қилишнинг вазифаси, ишлаб чиқариш ва унда чиқадиган товарларнинг бозор ва исте’молчиларнинг юқори талабларига мослаштиришдан иборат. Бу нарса фирманинг юқори рентабеллиги, рақобатга бардошл фаолияти асосида амалга ошиши керак.

Энди бозор салоҳиятининг (потенциалининг) моҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар хусусида тўхталиб ўтамиз. Маҳсулотга бўлган умумий талаб хусусияти талабнинг ўзгариши ва талаб ҳажмининг ўзгариши сингари, бозорнинг кенглиги ва ундаги харидорлар иштиёқига боғлиқ бўлади. Бозор талаби функсияси ёки бозор раёи ўзгариши (харидорлар иштиёқларининг ўзгариши) воситасида ялпи талаб миқдори тебраниб туради. Ялпи талаб миқдори ўз навбатида мамлакат, вилоят, тармоқ каби кўламларда, турлича давр мобайнида ўзига хос ўзгариш сур’атларига эга бўлади. Демак, ялпи талаб ўзининг юқори ва қуйи чегараларига эга бўлади. Жами талабнинг юқори чегарасини ифодаловчи миқдор бевосита бозор салоҳиятини акс еттиради.


Энди бевосита корхона миқёсида сотиш миқдори масаласига ёндошсак, у холда юқоридаги мантиқий фикрлашга кўра, сотиш миқдори мос равишда оборот квотаси ва оборот бюджети каби тушунчаларга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, корхона ва ташкилотлар олдида талабни олдиндан кўра билиш, башорат қилиш зарур бўлади. Корхона бозоридаги улушни камайтирмаслик учун талаб ҳажми ва таркибининг турли даврларда ўзгаришини назорат қилиб бориш зарур бўлади.

5.3. Бозорни башорат қилиш услуги.

Бозор башорати - бу белгиланган услугиёт доирасида, ҳақиқий ахборот асосида, уни эҳтимол бўлган ҳатоларини баҳолаш билан бажарилган талаб, товар таклифи ва, нархлар ривожланиши истиқболларини илмий асосда олдиндан кўра билишдир.

Бозор башорати унинг ривожланиш қонунлари ва йўналишларини, бу ривожланишни белгиловчи асосий омилларни ҳисобга олиш, башорат қилиш маълумотлари ва натижаларини баҳолашда об’яктивлик ва илмий софдилликка амал қилишга асосланади.

Бозор башоратини ишлаб чиқиш кетма-кетлигини қуйидагича тасвирлаш мумкин.



5.3.1-расм. Башорат қилиш жараёни босқичлари.

Башорат қилиш об'ъектини белгилаш - илмий кўра билишнинг муҳим босқичи. Масалан, амалиётда кўпинча сотиш ва талаб, етказиб бериш ва товар таклифи, бозор нархлари ва сотиш нархлари тушунчалари бир-бирларига ўхшатилади. Айниқса, кўпчилик ҳолларда талаб ҳақидаги ма'лумотлар чакана ёки улгуржи товар обороти ҳақидаги ма'лумотлар билан, ба'зида эса, хатто- товар етказиб беришга йиғма буюртмалар билан алмаштирилади. Ба'зида талаб эҳтиёж билан, ба'зида аҳоли товар харид қилиш учун сарфлашга тайёр пул миқдорига тенглаштирилади.

Башоратнинг аниқлиги баҳолаш уни еҳтимол бўлган ҳато-ларни ҳисоблаш йўли билан бажарилади. Бунинг учун башорат натижалари амалда ҳамма вақт оралиқ кўринишда ўтказилади. Тайинли муддат келгандан сўнг янги башорат қилиш учун янги, қўшимча ма'лумотлар ишлатилади. Кўпинча об-хаво башорати, бу уринда биз учун ёрқин мисол бўла олади. Чунки барча айтилаётган башорат еҳтимолнинг содир бўлишида юқори даражадаги кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда айтилади. Фавқулодда ва кутилмаган ҳолатлар еҳтимоли эса бир мунча назардан четда қолади. Бозор башорати бир мунча белгилар билан та'рифланади. Муддатли жабҳада башорат қуйидагиларга ажратилади: қисқа муддатли башоратлар (бир неча кундан 1 йилгача); ўртача муддатли башоратлар (2 йилдан 5 йилгача); узоқ муддатли башоратлар (7 йилгача). Табиийки улар нафақат вақтдан ўзиш даври билан фарқланмасдан, деталлаштириш даражаси ва башорат қилишда қўлланилган услублар билан ҳам фарқланади.

Товар белгиси бўйича бозор учун қуйидаги башоратлар қилинади: аниқ товар тури, товар гуруҳи, товарлар комплекси, барча товарлар учун.

Худудий белги бўйича бозор учун қуйидаги башоратлар қилинади: аниқ исте'молчилар, ма'мурий туманлар, йирик худудлар, мамлакат учун, бутун дунё учун.²³

Башорат қилиш учун қўлланиладиган *услублар* кўп бўлиб улардан, динамик қатор екстрополятсияси, динамик қатор Интерполяцияси, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, таркибий моделлаштириш ва бошқа иқтисодий-статистик услублар кенг қўлланилади.

Интерполяция услуби ҳам талабни аниқлашда қўлланилиши мумкин. Ушбу услубнинг моҳияти шундан иборатки, у динамик қаторда етишмовчи оралиқ а'золарини топишга асосланади. Масалан, бирон товарнинг u_m ва u_n оралиғидаги миқдорлари ма'лум. Лекин m ва n оралиғида жойлашган L йилдаги талаб ҳажмини топиш лозим бўлади.

Умуман олганда, екстрополятсия услуби, тадқиқотларда тез аниқлаш имконини берса ҳам, лекин у келгусидаги бўладиган ўзгаришларни инобатга олиш имконига эга эмас. Шу жihatдан, кўпгина олимлар ушбу услубни ўта асосланган башорат қилиш услуби сифатида э'тироф этмайдилар. Бизнинг

²³ Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012

фикримизча, екстрополятсия услуви тегишли қонуниятлар асосланган вазиятларда ва талабнинг ўзгаришига та'сир етувчи омиллар нисбатан мутлоқ хусусиятларга эга бўлганда, уни қўллаш етарли даражада яхши натижалар бериши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Бозор кенглигига қандай ўлчов мезонлари асосида қаралмоғи лозим?
2. Потенциал, ериша оладиган, амалдаги, кириб борилаётган бозорларнинг бир-биридан фарқланишини мисоллар асосида изоҳланг.
3. Бозор салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар нималардан иборат?
4. Нима учун бозор талаби башорати фирма фаолияти учун зарурий ўлчов бирлиги ҳисобланади?
5. Бозор башоратлари қандай жабҳаларда амалга оширилади ва уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
6. Эстраполяция услубидан фойдаланиш хусусиятларини мисоллар асосида изоҳланг.
7. Интерполяция услубининг узига хос жихатларини мисоллар асосида изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

Интернет ресурслари

1. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
2. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
3. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
4. www.internetnews.com – янгиликлар сервери.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуги.

СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

- 1.1. Маркетинг тадқиқотлари фанининг мақсад ва вазифалари
- 1.2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуги.
- 1.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

Машғулот мақсади: ривожланган мамлакатлар таълим тизими ва махсус фанлар бўйича ўқув модулларини тайёрлаш бўйича амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Ўқув фаолияти натижалари:

Тингловчилар биладилар:

- Маркетинг тадқиқотларининг мақсади ва вазифаларига тушунча беради ва иқтисодиётдаги унинг аҳамиятини ёритиб берадилар;
- Маркетинг тадқиқотларини ўрганиш усулларини ўрганиш жараёнларини тушунтириб берадилар;
- Маркетинг тадқиқотларининг муаммо ва ечимларини ёритиб берадилар.

Индивидуал топшириқ: жамиятни ривожлантиришда бозорнинг тутган ўрни ва аҳамияти, маркетинг назариялари такомиллашуви ва ижтимоий-ахлоқий маркетингнинг жамият равнақини белгилашдаги роли, «маркетинг тадқиқотлари» фанининг моҳияти, услублари ва ўзлаштириш тартиби, фаннинг назарий саволлари кўлами ва амалий йўналишлари, маркетинг турлари ва маркетинг концепцияси эволюцияси, маркетинг комплексини ўрганишда масалалар орқали ифодалаш.

Ишни бажариш учун намуна:

НОРМАЛ ТАҚСИМЛАНИШ

Нормал тақсимланиш табиий аҳолининг кўп ҳодисалар ва иқтисодий тизимларида юзага келувчи эҳтимолини таърифлайди. Тақсимланишни бошқа турлари Оддий тарқатиш, масалан бинар тарқатишни эса, қачон аҳолининг ҳажми катта бўлсагина қўлланилади. Ўртача ва стандарт оғиш (слиде ўртача = 0 ва стандарт оғиш = 1 билан алоҳида иш, Стандарт Нормал тарқатиш, кўрсатади): Оддий тақсимлаш асосан икки параметрларни ташкил этади. Яна бир тақсимланиш эмас, лекин у жуда оддий стандарт оғиш билан боғлиқ бўлади. Ўртача ҳодисанинг ўртача қиймати. Масалан, 18 ва 28 орасидаги ешдаги 20 аҳолиси учун: 1 18-20 ҳар бир, 28; 2 Ҳар бир 21-25; ва 3 26 ҳар бир, аҳолининг 27 ўртача еши ҳисобланади:

$$\mu = \bar{X} = \frac{\sum n_j X_j}{\sum n_j} = \frac{\sum n_j X_j}{N}$$

$$\bar{X} = \frac{1 \cdot 18 + 1 \cdot 19 + 1 \cdot 20 + 2 \cdot 21 + 2 \cdot 22 + 2 \cdot 23 + 2 \cdot 24 + 2 \cdot 25 + 3 \cdot 26 + 3 \cdot 27 + 1 \cdot 28}{20} = 23.7 \text{ й}$$

рамзи α одатда аҳолини белгилашда ишлатилади. рамзи \int томонидан урғу беради, стандарт оғиш, маълумотлар тарқалиши миқдорини ўлчайди; оғиши квадрат сифатида қўйиб, $\int 2$ ҳисобланади:

$$\sigma^2 = \frac{\sum (X_j - \mu)^2}{N} = \frac{\sum X_j^2 - \frac{(\sum X_j)^2}{N}}{N} = \frac{11394 - \frac{474^2}{20}}{20} = 8.01$$

$$\sigma = \sqrt{8.01} = 2.83$$

бутун аҳоли тадқиқот ўрнига, одатда натижаларига бир намуна олинган этилади аҳолини. Намуна дегани ва қуйидагича намунаси аниқланади:

$$\bar{x}_j = \frac{\sum x_j}{n}$$

$$s^2 = \frac{\sum (x_j - \bar{x})^2}{n-1} = \frac{\sum x_j^2 - \frac{(\sum x_j)^2}{n}}{n-1}$$

$$s = \sqrt{s^2} = \sqrt{\frac{\sum x_j^2 - \frac{(\sum x_j)^2}{n}}{n-1}}$$

Масалан, 5 шахслар бир мисол бир аҳолидан қаратилади дейлик. Уларнинг еши статистика ўртачаси ва стандарт оғиш, бу ҳолда 22, 26, 25, 21 ва 19-бор:

$$\bar{x} = \frac{22 + 26 + 25 + 21 + 19}{5} = 22.6$$

$$s^2 = \frac{2587 - \frac{113^2}{5}}{4} = 8.3$$

$$s = \sqrt{8.3} = 2.88$$

БИНОМ ТАҚСИМЛАШ

Намуна олиш масалалари бўйича муҳим бўлиши мумкин тарқатиш яна бир махсус тур Бином тақсимлаш ҳисобланади. а жавобларга жавоб Ҳа еки Йўқ қаерда тақсимланишига қараган ҳолда, бу турдаги мисол учун синов фақат икки мумкин бўлган натижалари бор. Аҳоли нисбатан катта бўлса, иккилик тарқатиш намуналари (респондентлар масалан сони "ха" жавоб) ва намуналарнинг стандарт оғиш а нормал тақсимланишини тахминан ўртача бўлади чизилган бу маънода бир нормал тақсимланишини ендашувлар. қуйидагича бутун аҳоли учун аҳоли ва уларнинг муносабатлар олинган намунага иккилик тақсимлаш параметрлари қуйидагилар:

| | аҳоли | нумуна |
|--------------|------------|------------------|
| нисбат "ха" | π | Π |
| нисбат "йўқ" | $(1-\pi)$ | $(1-\Pi)=\kappa$ |
| дисперсия | σ^2 | S^2 |

Бу тарқатиш учун ўртача π (аҳоли) еки Π (нумуна) ҳисобланади, намуна дисперсия сифатида ҳисобланади:

Мисол учун, беш жавоб намуна икки респондентлар тасдиқлаганида, ўртача ва стандарт оғиш, агар:

$$p = \frac{\sum x_j}{n} = \frac{2}{5} = 0.4$$

$$q = (1 - 0.4) = 0.6$$

$$s^2 = p * q \left(\frac{n}{n-1} \right) = 0.4 * 0.6 * \frac{5}{4} = 0.3$$

$$s = \sqrt{0.3} = 0.55$$

Хулосаларнинг муҳокамаси ва ифодаланишига саволлар:

1 –савол: Истеъмол товарлари бозорида харидорларнинг эҳтиёжи ва уларни қондириш имкониятларитадқиқ этилади?

а) Харидорларни ўзларини тутишлари, харид пайтидаги мулоқотдаги савол жавоблар.

б) Ахборот тўплашда сўров услубини ўтказиш йўли билан уларнинг истакларини билиб олиш.

в) Фокус – гурҳнинг сўровномаларини тўлдиришдаги жавоблар.

г) Уларни илҳомлантириш билан биргаликда товарларга ёки маркага бўлган содиқлик.

2 –савол: Корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилишда нималарга эътибор бериш керак? (жадвал кўринишида беринг ва уни тўлдиринг). Масалан:

Корхоналарда маркетинг тадқиқотлари

| Предмет тадқиқотлари | Жиҳатлари |
|----------------------|---|
| 1. Товар | 1. Маркаси, сифати, дизайни, чидамлилиги, фасоти, истеъмоли ва х.к. |
| 2. Рақобатчилар | 2. Маҳсулоти, нархи, сифати, уларнинг кучли томонлари |
| 3. Харидорлар | 3. Эҳтиёжи, истак-хохиши, диди, уларнинг мотивацияси, даромадларига қараб гуруҳлари ва х.з. |
| 4. Таъминотчилар | 4. Ўринбосар товарлар, етказиб бериш тезлиги, воситачилар ва х.з. |
| 5. Коммуникация | 5. Реклама, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, витрина, табло ва х.з. |

3- савол: Кузатиш ва сўров усуллари ўртасидаги фарқни мисоллар асосида кўрсатиб беринг.

а) танланма кузатувдаги харажатлар;

б) ёппасига кузатувдаги харажатлар;

в) сўров ва Анкета усулидаги изланишлар;

д) интервью олиб боришнинг афзалликлари ва камчиликлари.

4–савол: Анкета тузишнинг кетма–кетлик тартибини мисол қилиб кўрсатинг ва бирон бир товарга нисбатан анкета саволларини тузинг. Масалан:

«Нексия» машинасига тавсиф беринг ва фикрларингизни билдиринг.

| | Ижобий жавоблар | Салбий жавоблар |
|---|-----------------|-----------------|
| 1. Машинанинг тезлиги (куват) ва бошқа микдорий кўрсаткичлари | ҳа | йўқ |
| 2. Унинг нархи сизни қониқтирадими? | ҳа | йўқ |
| 3. Унинг дизайни сизга ёқадими? | ҳа | йўқ |
| 4. Рақобатчи маҳсулотлар ичида унинг сифати талабга жавоб берадими? | ҳа | йўқ |

Назорат учун саволлар:

1. Бозор иқтисодиетининг маҳияти нимадан иборат?
2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва методи тўғрисида тушунча беринг?
3. Маркетинг контсептсияси нима?
4. Маркетинг тадқиқотлари фанининг таркибига кирувчи асосий йўналишлар қайсилар?
5. Фаннинг асосий муаммолари нималардан иборат?
6. Республикамизда маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғрисида нималарни биласиз?
7. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тамойиллари.
8. Маркетинг тадқиқотларида ахборот тизимининг аҳамияти.
9. Маркетинг ахборотлари нима?
10. Маркетинг тадқиқотларида сўров ўтказиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Malhotra, Marketing Research. Pearson, UK, 2012
5. Ж.Ж.Жалолов, Маркетинг тадқиқотлари, ТДИУ, 2012
6. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

2-амалий машғулот: Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.

Режа:

- 2.1. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси
- 2.2. Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар
- 2.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари
- 2.4. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари

Машғулот мақсади: ривожланган мамлакатлар таълим тизими ва махсус фанлар бўйича ўқув модулларини тайёрлаш бўйича амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Ўқув фойдали натижалари:

Тингловчилар биладилар:

маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг зарурияти ва имкониятлари, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун зарурий меърий ҳужжатлар, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш тамойиллари, Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усуллари ўзлаштирадилар.

Индивидуал топшириқ: талабни тадқиқ этиш, эҳтиёжларнинг талабга айланиши, яқка талаб, талабнинг баҳога боғлиқлиги, талаб қонуни, талаб эластиклиги. зарарсизлик нуқтаси, таклифни тадқиқ этиш. таклиф қонуни, нархнинг таклифга таъсири, таклиф эластиклигини ўрганишда масалалар орқали ифодалаш.

Ишни бажариш учун намуна:

НАМУНА ОЛИШ ҲАЖМИ

Намуна олиш ўзига хос тасодифий хатоларга ега бўлиб, аҳолини мукамал вакилликни таъминлашда ҳеч қачон тўлиқ қамраб ололомайди. А намуна эмас, нуқта матндан лекин ҳақиқий қиймати елғон ен ишонч ҳосил бўлган доирасида беради. ўзгаришлар, статистис ел билан ўлчаниши мумкин. 30 дан ортиқ намунаси ҳажми нормал тақсимлаш асосида статистик натижаларига учун талаб қилинади.

Намуна ҳажми аниқлаш учун статистик ендашувлар мавжуд. Қўшимча маълумот олиш учун, бошқа ресурслар текширилиши керак бўлади. (Ехтимол, олдинги тажриба еки бошланғич билан синов версиясига) намуна стандарт оғиш сифатида баъзи кўрсатма бўлганда қўлланилади бир ендашув стандарт хато фойдаланади, намунадаги стандарт оғиш деган манони англатади.

$$s^2 = p * q \left(\frac{n}{n-1} \right)$$

$$s = \sqrt{p * q \left(\frac{n}{n-1} \right)}$$

СТАНДАРТ ОҒИШ

Стандарт оғиш статистик фараз синовлари тасодифий ўзгарувчилар орасидаги чизиқли муносабатлар ўлчаш билан, арифметик ўртача,

стандарт хато, ишонч интервалларни курилиши ҳисоблаш ишлатилади тасодифий ўзгарувчилар бирлигида ўлчанади. Тасодифий ўзгарувчилар зид квадрат илдизи сифатида белгиланган. куйидагича стандарт оғиш(намуна воситаларини стандарт оғиш) аниқланади:

$$\frac{\text{Precision, \%}}{100} * \bar{x} = 3 * \frac{s}{\sqrt{n}}$$

$$n = \left(3 * \frac{s}{\frac{\text{Precision, \%}}{100} * \bar{x}} \right)^2 = \left(3 * \frac{2.88}{2.26} \right)^2 = 14.6 \text{ or } 15$$

Олдинги мисолда стандарт хато деб ҳисобланади:

$$s_{\bar{x}} = \frac{s}{\sqrt{n}} = \sqrt{\frac{\sum x_j^2 - \frac{(\sum x_j)^2}{n}}{n-1}}$$

Ишонч интервал намуна статистика асосланган фоиз қиймати (аҳолини ўртача олингани) учун. Куйидаги ишонч оралиғи ва олдинги мисол учун, унинг берилган қийматининг ифодасидир. Бу ҳолда, 95% бир ишонч даражаси ўртача (Оддий тақсимланиши муҳокама бу есланг) ҳар бир томонида интервал 2 стандарт хатолар бўлади. 99,7% бир ишонч даражаси ўртача 3 стандарт хатолар ичида қатор ўз ичига бўлади. Куйидагича олдинги мисол фойдаланиш, аҳолини ўртача еши учун ишонч интервал СИ ҳисобланади:

$$CI = \bar{x} \pm 2 * \frac{s}{\sqrt{n}} = 22.6 \pm 2 * \frac{2.88}{\sqrt{5}} = 22.6 \pm 2.6$$

$$CI = 20 \text{ to } 25.2$$

Енди намуна ҳажми бир аниқлик билан аҳолини ўртача еши аниқлаш учун 99,7% (3 стандарт хатолар) бир ишонч даражаси билан талаб 10%.

$$s_{\bar{x}} = \frac{s}{\sqrt{n}} = \frac{2.88}{\sqrt{5}} = \frac{2.88}{2.24} = 1.28 \text{ or } 1.3$$

намунадаги 10% дегани ичидаги еки, деган маънони англатади * 22,6 22,6 ± 0,1, тахминан 20.3 24.9 йилгача бир қатор. куйидагича зарур намуна ҳажми аниқланади:

иккилик ўзгарувчилар учун намуна ҳажми шунга ўхшаш тарзда белгиланади. иккилик ўзгарувчилар учун ишонч интервал CI (<керакли ишонч даражасига асосланган стандарт хатолар сони) ҳисобланади:

$$\frac{\text{Precision, \%}}{100} * p = 2 * s_p = 2 * \sqrt{\frac{p * q}{n}} = 2 * \frac{\sqrt{p * q}}{\sqrt{n}}$$

$$n = \left(2 * \frac{\sqrt{p * q}}{\frac{\text{Precision, \%}}{100} * p} \right)^2 = \left(2 * \frac{0.49}{0.04 * 0.4} \right)^2 = 3750$$

CI аҳоли олинган намуналарида n стандарт хато ҳисобланади. n бир смета талаб қилинади намуна ҳажми аниқлаш учун. Бу кичик бошланғич мисол киритиш мумкин. Сўнгра намуна n ва ҳажми бир синов ва хато ендашув билан аниқлаш мумкин. Чекланган еки нисбатан кичик аҳоли учун тузатиш омил стандарт хато (аҳолини N = ҳажми) Смета учун узлуксиз ва бином дағитимлари ҳам қўлланилиши керак. p= 0,5 бўлса n максимал стандарт хато бўлади унутманг.

$$CI = \bar{x} \pm 2 * \frac{s}{\sqrt{n}} = 22.6 \pm 2 * \frac{2.88}{\sqrt{5}} = 22.6 \pm 2.6$$

$$CI = 20 \text{ to } 25.2$$

$$s_{\bar{x}} = \frac{s}{\sqrt{n}} * \sqrt{\frac{N - n}{N - 1}}$$

$$s_p = \sqrt{\frac{p * q}{n}} * \sqrt{\frac{N - n}{N - 1}}$$

$$\frac{\text{Precision, \%}}{100} * \bar{x} = 3 * \frac{s}{\sqrt{n}}$$


$$n = \left(3 * \frac{s}{\frac{\text{Precision, \%}}{100} * \bar{x}} \right)^2$$

ПРОГНОЗЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ДАСТУРИ

